БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 110 (5701).

15 Май 1985 й.

ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олайлик!

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЕЗУВЧИ УЙҒУН (У. ОТАҚУЗИЕВ)ГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари, самарали жамоатчилик фаолияти учун ҳамда туғилган кунига саксон йил тўлиши муносабати билан ёзувчи **Уйғун** (Уйғун **Отақўзиев**)га **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилиб, унга **Ленин** ордени ҳамда **«Ўроқ ва Болға»** олтин медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раисининг биринчи ўринбосари В. КУЗНЕЦОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1985 йил 14 май.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

14 май куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XX пленуми бўлди. Пленумда «КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг якунлари ва республика партия ташкилотининг партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш соҳасидаги вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Андижон область Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхозтехникумининг директори Б. Абдураҳмонов, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Ражабов, «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси катта аппаратчиси Л. М. Жолудева, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. Туропов, Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонт заводи электро слесари Н. М. Железнов, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримов, Ўзбекистон ССР енгил саноат министри М. Х. Қурбонов, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов, Фарғона область Риштон районидаги «Риштон» совхозининг сут соғувчиси Т. Я. Исҳоқова, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими президумининг раиси Ш. Акмалхонов, Сирдарё область ижроия комитетининг раиси И. Қўчқоров, Самарқанд область Иштихон район партия комитетининг биринчи секретари А. А. Тиллаев ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети оғир саноат ва энергетика бўлими мудирининг ўринбосари В. А. Дурасов, КПСС Марказий Комитети партиявий-ташкилий ишлар бўлимининг масъул ходими М. Л. Ишков қатнашдилар.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан қарорлар қабул қилди, улар матбуотда эълон қилинади.

Пленум шу билан ўз ишини тугатди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XX ПЛЕНУМИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1985 ЙИЛ АПРЕЛЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ПАРТИЯ XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

Партиямиз, совет халқи, деди ўз докладида И. Б. Усмонхўжаев, ҳозир КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми қарорларининг сафарбар этувчилик таъсири остида яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Бу Пленум партия XXVII съездини чақириш муддатини, унинг кун тартибини белгилади, съездга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ вазифаларни кўриб чиқди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг доклади совет кишиларининг диққат марказида турибди. Бу ҳужжат ленинча услубнинг, ютуқларимизга баҳо беришга, ҳозирги ривожланишнинг мураккаб вазифаларини ҳал этишга реалистик ёндашувнинг намунасидир. Социал-иқтисодий соҳада, халқаро сиёсатда, ташкилий-партиявий, идеологик ишларда ҳам съездда баён этилган принципиал йўл-йўриқлар аслида партиямизнинг съездолди платформасидир.

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг қарорларини якдиллик билан қизғин маъқулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар. Улар Ленин партияси теварагида ўз сафларини яна ҳам маҳкамроқ жипслаштирмоқдалар, фидокорона меҳнат билан Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга, 1985 йилги планни муваффақиятли бажаришга, ўн биринчи беш йилликни муносиб равишда якунлашга азму қарор берганликларини изҳор этмоқдалар.

Мамлакатнинг иқтисодий ва социал турмушини такомиллаштириш борасида КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумида олға сурилган кенг кўламли новаторлик вазифаларини ҳал этиш экономика ва маданиятга партия раҳбарлигини, фаолиятимизнинг услуб ва методларини янада яхшилашни қатъий талаб этади. Партияда бўлажак ҳисобот ва сайловлар ташкилотчилик ва идеология ишини кучайтириш, партия ташкилотларининг активлигини ва жанговарлигини ошириш учун ниҳоятда қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Биз коммунистларнинг йиғилишларида, конференцияларда, Ўзбекистон Компартияси съездида партия XXVI съездининг ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг, Ўзбекистон Компартияси XX съездининг қарорларини бажариш соҳасида қилинган ишларни чуқур ва ҳар томонлама кўриб чиқишимиз, хўжалик ва маданий қурилишга партия раҳбарлиги масалаларини, ташкилий-партиявий ва идеология ишининг аҳволини батафсил муҳокама этишимиз лозим бўлади.

Интизомни, уюшқоқлик ва тартибни мустаҳкамлаш, топширилган иш учун кадрларнинг масъулиятини ошириш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг йўл-йўриқлари муносабати билан бажарилган ишларни ленинчасига, объектив ва талабчанлик билан таҳлил этиш муҳимдир.

Апрель Пленуми бошланғич ташкилотларни партиянинг асосий потенциали, деб атади. Съездни кутиб олаётган бошланғич ташкилотларнинг кўпчилиги ишда қизғинликни кучайтирмоқдалар, энг мураккаб вазифаларни дадиллик билан ҳал этишга киришмоқдалар, катагина муваффақиятларга эришмоқдалар. Чинакам принципиаллик кўрсатаётган, топширилган иш учун ходимларга нисбатан қатъий талабчанлик қилаётган партия ташкилотлари тобора кўпаймоқда. Республикада бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигининг кўриги бошланганлиги бунга кўмаклашмоқда. Бу кўрик ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олиши, меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини ўстиришга ёрдам бериши керак.

Съездолди даврида коммунистларнинг жой-жойига қўйилганлигини, партия ташкилотларининг ташкилий қурилишини яна бир бор синчиклаб кўриб чиқиш, айниқса, ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида партия ўзагини мустаҳкамлаш чораларини кўриш лозим. Партия комитетлари партия ташкилотларининг кучини уларнинг жанговарлиги ва масъулиятини оширадиган, меҳнат коллективларининг турмушига таъсирини кучайтирадиган қилиб тақсимлашлари керак.

Бошланғич партия ташкилотлари ва партия комитетларининг етакчиларини танлаш ҳамда уларни кўтариш, сайлаб қўйиладиган активларни шакллантириш биринчи даражали аҳамиятга молик ишдир. Ана шу етакчилар партия оммаси ўртасида обрў-эътибор ва ишонч қозонган, маъмуриятнинг қўллаб-қувватлашини ҳар қандай даражадаги раҳбарга нисбатан юксак талабчанлик билан қўшиб олиб бора оладиган ташаббускор, принципиал, дадил ва қатъий коммунистлар бўлиши лозим.

Гап партия органига сайланган ҳар бир ходим кундалик меҳнати, ҳаётда актив позицияда туриши, шахсий намунаси билан коммунистларнинг ишончини оқлаши тўғрисида бормоқда.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига янги, иллатлардан тозаловчи куч бахш этиш, мана шу соҳалардаги ишларни яхшилашга эришиш, янги, дадил ва қатъий қарорларнинг амалга оширилишини таъминлаш асосий вазифадир.

Ўз-ўзидан равшанки, бу вазифани бажариш осон иш эмас. Аммо кейинги вақтларда кўтарилган ўртоқларнинг кўпчилиги эскилик энерциясини ва мавжуд қийинчиликларни зўр ғайрат билан бартараф этиб, ҳозирча кичик бўлса ҳам ижобий натижаларга эришмоқдалар. Ходимларимиз баъзида қандай мураккаб вазиятларга дуч келиб қолаётганликларини Марказий Комитет билади, уларнинг куч-ғайратларини қўллаб-қувватлайди, фидокорона меҳнатини қадрлайди.

Бироқ кадрларнинг бир қисми муайян тўсиқларга дуч келганда ожизлик қилиб қолаётганини, кўпинча воқеаларнинг қули бўлиб, айниқса, масала принципиал ҳал этилиши лозим бўлганда юқоридан кўрсатмалар берилишини кутиб туришини ҳам кўрмаслик мумкин эмас.

Марказий Комитет янгидан сайланган ва тайинланган ўртоқларга, барча ҳалол ва софдил ходимларга нисбатан эътиборни, ёрдам ва мададни бундан буён ҳам улар фаолиятига баҳо беришда юксак партиявий талабчанлик ва принципиаллик билан қўшиб олиб бораверади.

Раҳбарларнинг ғоявий чиниқишига, уларда сиёсий етукликни, қийинчиликларга барҳам беришда қатъиятни, ўз ишига баҳо беришда ўз-ўзини танқид қилиш руҳида ёндашувни шакллантиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Партия ва давлат интизомини бутун чоралар билан ошириш, планларнинг бажарилиши учун масъулиятни кучайтириш, бюрократизмга, исрофгарчиликка қарши курашни кучайтириш, меҳнаткашлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш йўли барча даражадаги кадрлар билан амалий иш олиб бориш аниқ ифодасини топиши керак.

КПСС Марказий Комитети ривожланган социализмни такомилдаштиришнинг илмий концепциясини коллектив равишда ишлаб чиқиб, мамлакатни янада тараққий эттириш йўлларини белгилаб, экономикага, халқ фаровонлигини муттасил ошириб бориш манфаатларини кўзлаб, унинг мутаносиб равишда жўшқин юксалишига энг муҳим ўрин бермоқда. **Ресурслардан энг яхши фойдаланган ҳолда юксак пировард натижаларга эришиш — эндиликда иқтисодий ривожланишнинг бош мезонидир.**

Ўзбекистонда вужудга келган иқтисодий вазиятга шу позицияларда туриб, баҳо берганда республикада ғоят катта ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциали яратилганлигини қайд этиб ўтиш керак. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати деярли 50 миллиард сўмликни ташкил этади.

Индустриянинг юздан кўпроқ тармоғи 1500 та йирик корхона ва бирлашмага эга бўлиб, улар орасида фан-техника тараққиётини белгилаб берадиганлари оз эмас. Республикада 3,7 миллион гектар суғориладиган ер бор, колхоз ва совхозлар замонавий қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминланган. Сув хўжалиги қурилишининг кўлами кенгайди. Қулай табиий иқлим шароитлари билан қўшилиб, бу нарса гарантияланган ҳосил олиш имконини беради. Республика катта меҳнат ресурсларига эга.

Шундай қилиб, социал-иқтисодий ривожланиш суръатларини қатъийян жадаллаштириш, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини кучайтиришга Ўзбекистоннинг ҳиссасини кўпайтириш учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд.

Шу боисдан мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳозирги босқичда республика партия ташкилоти олдида турган биринчи навбатдаги энг асосий хўжалик вазифаси ҳамда сиёсий вазифадир. Марказий Комитетнинг XVI пленумида бу масалалар кескин қилиб қўйилган эди.

Ўшандан буён ўн ойдан кўпроқ вақт ўтди. Шунча муддат ичида барча муаммоларни ҳал этиш, неча йиллардан буён йиғилиб қолган номутаносибликларни бартараф этиш мумкин, деб ўйлаш гўллик бўлур эди. Бироқ барча партия, совет, хўжалик органлари, барча кадрларимиз ишларнинг аҳволини атрофлича анализ қилишлари, бошқаришнинг таркиб топган ва кўп жиҳатдан эскириб қолган форма ҳамда методларини қайта кўриб чиқишлари, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини тубдан қайта қуриш йўлларини белгилашлари, бу соҳада конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни сабот билан амалга оширишга киришишлари шарт эди.

Шу жиҳатдан олганда бугун баъзи якунларни чиқариш, тўпланган тажрибани таҳлил этиш, баъзи камчиликларни қила олганлигимизни ва Ленин таъбири билан айтганда, камчиликларни чала қилганлигимизни кўриб чиқишимиз мумкин.

Мавжуд камчиликларни очиб ташлаб, уларни тагтомири билан тугатишга, социализм табиатининг ўзида мавжуд бўлган ғоят катта бунёдкорлик кучларини ишга туширишга муваффақ бўлинган жойларда барча қийинчиликлар ва мураккабликларга қарамай, ижобий тенденциялар кўзга ташлана бошлаганлигини ҳаёт кўрсатмоқда.

Ўтган йили миллий даромаднинг илдам ўсиши таъминланди. Бир қанча министрликлар, бирлашмалар, корхоналар белгиланган топшириқларни ва шартномадаги мажбуриятларни муваффақиятли бажардилар. Баъзи областлар саноатининг ишида муайян силжишлар рўй берди.

Коммунистларнинг активлиги, бошланғич партия ташкилотларининг талабчанлиги, раҳбарлар, мутахассисларнинг, хўжалик кадрларининг масъулияти ва ташаббускорлиги кучайди, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаёт масалаларини ҳал этишда меҳнат коллективларининг роли ошди. В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбексельмаш», «Миконд», «Узбекхиммаш», Наманган ва Андижон машинасозлик заводлари, Қўқон пайпоқ-йигирув комбинати, Хоразм тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа кўпгина корхоналар барқарор ишламоқда.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишда фан-техника тараққиёти ютуқлари асос қилиб олинаётган жойларда муваффақиятга эришилаётганлигини тажриба кўрсатиб турибди. «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия комитети, раҳбарлари (партком секретари Х. Н. Шагиев, бош директори И. Х. Мусин) инженер-техник ходимларнинг, барча коммунистларнинг куч-ғайратини меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашга сафарбар эта олдилар. Бу ерда ихтисослаштирилган робот техникаси участкаси ташкил этилган, 9 та эпчил линия ташкил қилинган, иш жойлари аттестациядан ўтказилиб, рационализация қилинди, бу эса олти юздан кўпроқ ишчини бошқа ишларга ўтказиш имконини берди, машина-ускуналарнинг сменалик коэффициенти 1,65 га қадар етказилди.

Шу билан бирга коллектив тажрибаси техника тараққиёти учун курашни айрим участкалардагина олиб бориш мумкин эмаслигидан далолат бермоқда. Роботлар ва рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг ёнида ҳали заводда талайгина бўлган жисмоний ва маънавий эскириб қолган ускуналарнинг мавжудлиги, айниқса, тўғри келмайди. Корхонада ишларнинг тўртдан бир қисмидан кўпроғи қўлда бажарилаётганлигига эса асло йўл қўйиб бўлмайди. Бунда бирлашма партия ташкилоти ҳам, раҳбарлари ҳам ҳали кўпгина ишларни қилишлари керак.

Замонавий хўжалик юритиш шарт-шароитлари иқтисодий соҳада йирик тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш зарурлигини тақозо этмоқда. Эскириб қолган бошқарув структуралари ва формаларини дадил ўзгартириш, қийинчиликларни бартараф этиш йўлларини сабот билан қидириш керак. Пахта тайёрлаш системаси қайта қурилганлиги бунинг яққол мисолидир.

Унча-мунчага ишонавермайдиган кишиларнинг ҳавотир бўлганликларига қарамай, пахтакорларнинг меҳнатига топширилган хом ашёнинг миқдоригагина эмас, шу билан бирга пировард маҳсулот етиштирилганлиги ва унинг сифатига қараб ҳам ҳақ тўлашга ўтилганлиги ўзини батамом оқлади. Хўжаликларнинг ва тармоқдаги барча меҳнатчиларнинг пировард натижаларидан манфаатдорлиги ошди. Ўтган йилги ҳосилдан аввалги мавсумдагига қараганда қарийб 100 минг тонна кўп тола ишлаб чиқарилади. Толанинг миқдори ва сифатига қараб, узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш чоғида хўжаликларга ўтган йилгидан 600 миллион сўм кўпроқ ҳақ тўлаш мўлжалланмоқда.

Чигитнинг сифати яхшиланди, бу эса ёғ-мой тармоғи корхоналарининг кўрсаткичларига ҳам баракали таъсир қилди. Чигит сарфи камайди, ўсимлик ёғининг чиқиши 1,3 процент ошди. 1984 йилги ҳосилдан 1983 йилдагига қараганда 20 минг тонна кўп ўсимлик ёғи олиниши кутилмоқда. Илк бор тармоқ шу йилнинг биринчи кварталида фойда кўриб ишлади.

Мана шу ва бошқа ижобий ўзгаришларни таҳлил эта туриб, улар фақат дастлабки силжишлар эканлигини, олдинда кўпгина тармоқлардаги мавжуд қолоқликни бартараф этиш борасида қизғин ишлар турганлигини кўрмаслик мумкин эмас.

Хатолар ва номутаносибликлар, ҳар томонлама асосланган пишиқ-пухта ечимларнинг йўқлиги, баъзида социалистик хўжалик юритиш принципларининг тўғридан-тўғри бузилаётганлиги сабабли беш йиллик план кўпгина кўрсаткичлар бўйича қониқарсиз бажарилмоқда. Ялпи ижтимоий маҳсулот белгиланганидан камроқ олди, саноат ишлаб чиқариши ҳажми етарлича суръатлар билан ўсмаяпти, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бир талай турларини етиштириш камайди.

Саноатда планда белгиланган миқдорда газ қазиб чиқариш, пўлат қуйиш, олтингугурт кислотаси, пахта териш машиналари, тракторлар, ип газлама, ички ва устки трикотаж, ўсимлик ёғи, бинокорлик материалларининг баъзи турларини ишлаб чиқариш таъминланмади. Қишлоқ хўжалигида картошка, полиз маҳсулотлари, мева ва узум етиштириш, чорва ва парранда, сут ва тухум харид қилиш планлари бажарилмади. Капитал қурилишда асосий фондларни, уй-жойлар ва касалхоналарни ишга туширишда қолоқликка йўл қўйилмоқда.

Бундай муваффақиятсизликларни объектив ҳолат, деб аталмиш ҳолларни рўкач қилиб, изоҳлаб бўлмайди. Бунинг сабаблари анча чуқурдир. Кўпгина перспектив масалалар сусткашлик ва журъатсизлик билан ҳал этилмоқда, хўжалик юритиш методларида муҳим ўзгаришлар содир бўлмаяпти. Етилган проблемаларни ҳал этиш борасида йирик тадбирларни амалга оширишда баъзи кадрларда чўчиш аломатлари намоён бўлмоқда, меҳнат коллективларининг ташаббускорлигини авж олдиришда қатъият етишмаяпти.

Социал-иқтисодий тараққиёт одамларга, ҳар бир киши ўз жойида виждонан ва тўла куч билан ишлашига ҳал қилувчи даражада боғлиқ. Бироқ кўпгина участкаларда иш вақтининг зое кетиши секинлик билан камаймоқда. Машина ва ускуналарнинг бекор туриб қолишига қарши тегишлича кураш олиб борилмаяпти.

Республика саноатида ўтган йили иш вақти кўп зое кетди. Шу сабабли 100 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот кам етказиб берилди. Умуман республикада иш вақтининг зое кетиши 52 минг киши-куни камайган бўлса, Сирдарё, Сурхондарё, Андижон областларида у кескин ошиб кетди. Мебель ва ёғоч созлик саноати министрлиги билан Қишлоқ қурилиши министрлигининг корхоналарида ўтган йил зое кетган иш вақти икки баравардан зиёд ошди. Бинокорлик материаллари саноати министрлигида прогуллар 44 минг киши-кунини ташкил этди.

Интизомни мустаҳкамлаш учун курашда партия ташкилотлари социалистик мусобақанинг тарбиявий имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланишлари лозим. Кишиларнинг активлигини мутасил ошириб, уларнинг онгли ижодкорлигини резервлардан яхшироқ фойдаланишга йўналтириш, тартиб ва интизом ўз-ўзидан яратилмаслигига, коллективнинг ярдил иродаси билан уларга эришилажагига ишончни шакллантириш керак.

Шу муносабат билан докладда қуйидаги мисоллар келтирилган. Тошкентдаги «Компрессор» заводида икки марта комиссия бўлди. Биргал кечикишлар, бекор туриб қолишлар, танаффусга ва ишдан барвақт кетиб қолишлар, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бошқа тарзда бузишлар аниқланганида комиссия бу ерга огоҳлантирмай келган эди. Эртаси куни текшириш такрорланиши эълон қилинди. Мана шунинг ўзигина ҳеч қандай қўшимча чиқимлар қилмай, ўртача кунлик маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини 2 процент ошириш имконини берди. Мутахассислар ҳисоблаб чиқишганидек, корхона интизомни мустаҳкамлаш ҳисобигагина йилига салкам тўрт юз минг сўмлик қўшимча маҳсулот олиши мумкин.

Мана шу ва бошқа фактлар интизомни мустаҳкамлаш қандай катта самара беришини, халқ хўжалиги қандай битмас-туганмас резервларга эга эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Уюшқоқлик ва тартиб учун кураш— партия ва давлат фаолиятининг доимий йўналишидир. Бунда ҳеч қандай кампаниячилик элементларига йўл қўйиб бўлмайди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорлари республика партия ташкилоти учун принципиал ва узоқ муддатли характерга эга эканлиги яна бир марта таъкидлаб ўтилди. Бу қарорлар КПСС Марказий Комитетининг йўл-йўриқларига батамом мос келади. Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган докладда қайд этиб ўтилганидек, КПСС Марказий Комитети социалистик принципиаллик, ҳар қандай салбий ҳодисалар йўлига мустаҳкам ғов қўйишни, меҳнат қилмай топиладиган барча даромад манбаларини ёпиб қўйишни талаб қилмоқда.

Одамларни ишлашга ўргатиш, самарали меҳнат қилишлари учун шарт-шароитларни яратиш керак. «Чирчиқсельмаш» заводида узоқ вақтдан буён рақамли программа билан бошқариладиган ўнлаб станоклар бекор турган экан, бунга, аввало, ишлаб чиқариш ташкилотчиларининг, партия ташкилотининг, Чирчиқ шаҳар партия комитетининг хатолари сабабдир, улар малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида ўз вақтида ғамхўрлик қилмадилар. Бир қанча тўқимачилик корхоналари ва уларнинг филиалларида ҳам аҳвол шундай. Ҳозир янги катта корхоналарни қуриб битказиш ва уларни фойдаланишга топшириш борасидаги ишлар ҳал қилувчи босқичга кирмоқда. Ана шу корхоналар учун ишчи кадрлар тайёрлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарур.

Экономика соҳасидаги интизом ва тартиб — аввало, аниқ ташкил этилган ишлаб чиқариш жараёни, ўзгармас план, технология интизомидир, албатта.

Планлаштириш практикасининг ўзини принципиал яхшилаш талаб этилади. Апрель Пленуми қарорларига асосланадиган бўлсак, шу нарсага мутлақо тоқат қилиб бўлмайдики, бир қанча министрликлар ва идоралар планларни пасайтириш томонига асоссиз равишда қайта кўриб чиқишга йўл қўймоқдалар, баъзиларн эса ишлаб чиқариш ҳажмлари ва бошқа кўрсаткичларни олдиндан бевосита камайтирмоқдалар.

Бу нимага олиб келиши Жиззах аккумулятор заводи мисолида кўриниб турибди. Ўтган йили бу ерда план беш марта ўзгартирилди ва йил охирига келиб, дастлабки планнинг атиги ярмини ташкил этди. Аммо ана шу камайтирилган топшириқ ҳам атиги 25 процент бажарилди. Натижада халқ хўжалигига 7 минта аккумулятор батареяси кам берилди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми барча даражадаги раҳбарлар зиммасига бу йилги планларни ҳеч қандай ўзгаришсиз бажариш юзасидан қўшимча тадбирларни амалга ошириш мажбуриятини юклайди. Бу кўрсатмани ҳам оғишмай бажариш керак.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XX ПЛЕНУМИ

(Боши биринчи бетда).

Юқорида айтиб ўтилган гаплар шартнома интизомига яна ҳам кўпроқ даражада тааллуқлидир. Ишлаб чиқариш интеграциясининг ўсиб бориши билан шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун талабчанлик тобора ошмоқда. Бунда ҳеч қандай объектив шароитларни рўкач қилиш мумкин эмас. Бироқ шу йил бошидан буён 280 корхона 204 миллион сўм қарздор бўлиб қолди.

План интизомини мустаҳкамлаш жами ишлаб чиқариш потенциалини сафарбар этиш билан чамбарчас боғланган. Ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш учун қатъий кураш олиб бориш зарур. Бунда ҳали хўжасизликка кўп йўл қўйилмоқда. Ўтказилган текшириш куни шу нарса аниқландики, металлга ишлов берувчи 39 мингта станокдан 4 мингдан кўпроғи ишламади. Жиззах областида ўрнатилган машина-ускуналарнинг ярмидан кўпроғи, Бухоро областида — 34 проценти, Хоразм областида — 28 проценти, Тошкент областида — 15 проценти бекор турди.

Бир қанча тармоқларда ишда етарлича куч-ғайрат кўрсатилмаяпти, материал-техника ресурсларидан дуруст фойдаланилмаяпти. Сув хўжалиги ташкилотларида 17 мингта ер қазиш механизмидан салкам 11 мингтаси ёки 62 проценти бир сменада ишламоқда. Бу рақам «Главсредазирсовхозстрой»да 74 процентни ташкил этади. Автомобиль транспортида ўтган йили ҳар кеча-кундузда юк автомобилларининг 17 проценти ва автобусларнинг бешдан бир қисми ишламади. Автомобиль транспортининг бўш юриши жами километражнинг 40 процентидан ошиб кетган.

Ўрнатилмаган машина-ускуналар ҳажмини камайтириш бизнинг катта резервимиздир. Корхоналарнинг омборлари ва қурилиш майдонларида 550 миллион сўмлик шундай машина-ускуналар тўпланиб қолган.

Партия комитетлари ишлатилмаётган моддий бойликлар учун, корхоналар ишлата олмаётган ёки ишлатишни истамаётган энг янги техникани ўйламасдан сотиб олиш практикаси учун раҳбарларга нисбатан талабчанликни қатъиян оширишлари зарур.

Цемент, ёқилғи, минерал ўғит, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш, сақлаш ва уларни сарфлашдаги пала-партишлик сабабли катта нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда. Хўжасизлик ва бўшангликка ҳамма жойда чек қўйиш, иқтисод ва тежамкорлик учун курашни чинакам авж олдириб юбориш зарур.

Министрлар Совети, Госплан, министрликлар ва идоралар планларни ишлаб чиқиш чоғида вужудга келтирилган потенциалдан самарали фойдаланишни ва экономикани интенсивлаш изларига ўтказишни таъминлайдиган ечимларни кўзда тутишлари зарур. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим, перспектив масалаларига кўпроқ эътибор бериш, ўтган йиллардаги хатоларни такрорламаслик керак. Яқин вақт ичида XII беш йилликнинг контрол рақамлари министрликлар ва идораларга етказилиши муносабати билан бу нарса, айниқса, муҳимдир. Планларнинг илмий жиҳатдан асосланишини, мутаносиблигини, барча мавжуд резервларнинг тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш керак.

Фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш, фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини ва хўжалик бошқарувининг бутун системасини қайта қуриш — интенсивлашнинг асосий воситасидир. Кейинги вақтларда область, шаҳар ва район партия комитетлари, республика, совет ва хўжалик органлари ушбу проблема билан бирмунча чуқурроқ шуғулланадиган бўлиб қолдилар, янги техникани жорий этиш масалаларига эътибор кучайди. Ўнинчи ва ўн биринчи беш йилликлар мобайнида жами иқтисодий самараси қарийб 3 миллиард сўмликка борадиган салкам 2 мингта илмий ечим ишлаб чиқаришга жорий этилди, ҳар йили илмий ташкилотлар ва олий ўқув юртлари 400 дан кўпроқ илмий тадқиқот ишларини ниҳоясига етказмоқда.

Аммо халқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантириш суръатлари, қолаверса, унинг характери ҳам шу куннинг талабларига мос келмаяпти. Бу иш ҳозирча халқ хўжалигининг кенг миқёсларини қамраб олмаяпти.

Ҳолбуки, республикада саноатдаги ишлар ҳажмининг салкам 50 проценти ва қурилишда 60 проценти, Қурилиш министрлигида эса ҳатто 72 проценти қўл меҳнати улушига тўғри келади.

Кўпгина корхоналарда замонавий машина-ускуналар билан бир қаторда энг оддий қўл меҳнатидан фойдаланишдек қолоқ манзарани кўриш мумкин. Марказий статистика бошқармаси маълумотларига кўра, механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган цехларда, ишлаб чиқариш участкаларида хизмат қилаётган ишчиларнинг 56 проценти қўл меҳнати билан банд экан. Айни вақтда механизациялашган поток линияларнинг ярми ва автомат линияларнинг 40 процентигина лойиҳадаги тўла қувват билан ишлатилмоқда.

Министрликлар ва идораларнинг, корхоналар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари янги техника ва илғор технологиядан самарали фойдаланиш учун шахсан жавобгардирлар. Энг янги машина-ускуналардан тўла қувват билан, энг кўп самара олиб фойдаланиш, шу асосда ишлаб чиқаришни тубдан интенсивлашга, меҳнат унумдорлигини ўстиришга эришиш зарур.

Фан ходимлари фан-техника тараққиётини жадаллаштириш вазифаларини ҳал этишга талайгина ҳисса қўшишлари лозим. Эндиликда илм-фан ривожланган социалистик жамиятнинг нафақат бевосита, шу билан бирга тобора актив қудратли ишлаб чиқарувчи кучига айланиб бормоқда. Ўзбекистонда йирик илмий потенциал вужудга келтирилган. Ҳар йили илм-фанга салкам 100 миллион сўм маблағ сарфланмоқда.

Республикада ишлаб чиқариш билан мустаҳкам алоқа ўрнатган, илмий ечимларнинг юксак самарадорлигига эришаётган илмий коллективлар оз эмас.

Бироқ айрим илмий бўлинмалар неча йиллар мобайнида бирон нарсани ҳам ишлаб чиқаришга таклиф этмайди. Республикада тадқиқотларнинг учдан бир қисми ўнчалик амалий қимматга эга бўлмаган илмий ҳисоботлар, методикалар ва бошқа тавсия материаллари ҳолида тугалланмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг ҳисоблаш марказида сарфланган ҳар бир сўм самараси атиги 1 тийинни ташкил этди.

Илмий -тадқиқот ишларини ташкил этишда кўпинча такрорланишга йўл қўйилмоқда. Ўнлаб илмий муассасалар кўп йиллардан буён пахта териш машинаси проблемалари билан шуғулланиб келмоқда. Аммо аҳвол ҳамон бирдай бўлиб қолмоқда, ана шу комбайнларнинг ишида бирон-бир муҳим ўзгариш рўй бергани йўқ.

Суғоришнинг янги, самарали усулларини жорий этишнинг ҳам аҳволи мана шундай. Бу масалалар билан республикада ўнга яқин ташкилот шуғулланмоқда. Хўш, уларнинг иш натижалари қандай бўляпти? Жуда кўпчилик жойларда экинлар алмисоқдан қолган усулда суғорилмоқда. Пиллачилик илмий-тадқиқот институтининг ишини қаттиқ танқид қилмоқ керак, бу институт кейинги 10 йил мобайнида деярли биронта янгилик таклиф қилмади.

Область, шаҳар, район партия комитетлари фан-техника тараққиётини жадаллаштириш билан боғлиқ бўлган вазифаларнинг ҳал этилиши учун раҳбарларга ва мутахассисларга нисбатан талабчанликни оширишлари лозим. Техника соҳасидаги турғунликка ва қолоқликка нисбатан муросасизлик руҳини барча кадрларга сабот билан сингдириш керак.

Министрлар Совети, Госплан илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан интеграцияси механизмини доимо такомиллаштиришлари, илмий муассасаларнинг корхоналар ва хўжаликлар билан ўзаро алоқаларини кенгайтиришга ва мустаҳкамлашга, илғор технологияларни, асбоб-ускуна ва материалларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш муддатларини қисқартиришга амалий равишда кўмаклаша оладиган иқтисодий шарт-шароитлар яратишлари лозим.

Республикани социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштиришнинг энг зарур проблемаларини ишлаб чиқишда барча илмий муассасаларнинг, олий ўқув юртларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи бош марказ бўлмиш Фанлар академиясининг ролини ҳар томонлама ошириш зарур.

Экономикани интенсивлаш изларига кўчириш қувватларни тезроқ ишга туширишни ва янги корхоналарни планда белгиланган муддатларда ўзлаштиришни талаб қилади. Аммо кўпгина, ҳатто энг муҳим объектлар ҳам ҳаддан ташқари узоқ вақт қурилмоқда. Республикадаги чала қурилишлар 79 процентга етади ва ўтган йилнинг ўзидагина уларнинг қиймати 1,5 миллиард сўмлик миқдорда кўпаяди. Ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ҳам бениҳоя суст амалга оширилмоқда.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришни маҳсулот сифатини тубдан оширишдан ажратиб бўлмайди. Республикадаги бир талай корхоналарнинг коллективлари ўз вазифаларини айни шу тарзда тушунмоқдалар, корхона маркасини қадрламоқдалар, ишни яхшилаш йўлларини қидирмоқдалар. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Тошкент трикотаж бирлашмаси билан Қўқон пойабзал фабрикасининг биринчи нав маҳсулот ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган потоклар яратиш соҳасидаги ташаббусини маъқуллади. Партия комитетлари, республика Енгил саноат министрлиги, бошқа идоралар шу фойдали ташаббус кенг жорий этилишини таъминлашлари лозим.

Умуман олганда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати бизни қаноатлантира олмайди. Давлат стандарти органлари шу йилнинг ўзида текширилган ип-газламанинг 97 процентини, кондитер маҳсулотларнинг 64 процентини, трикотажнинг 26 процентини, уннинг қарийб ярмини, ўсимлик ёғи ва макароннинг 40 процентдан кўпроғини брак қилди. Уч йил давомида Тошкентдаги 1- ва 2-пойабзал фабрикаларигагина 1,6 миллион жуфт пойабзал қайтариб юборилди ва уларнинг сорти пасайтирилди. Бу—апрель Пленумида моддий ресурсларни талон-торож қилиш ва халқимизнинг меҳнатини ҳавога совуриш деб аталган нарсанинг ўзгинасидир.

Талаб қилинмайдиган ва касод бўлиб ётган маҳсулотни ишлаб чиқаришни тўхтатиш зарурлиги ҳақида неча марталаб гапирилди. Аммо министрликлар ва идоралар бу йил ҳам омборларда чанг босиб ётиши аввалданоқ маълум бўлган маҳсулот ва моллар ишлаб чиқаришни планлаштириб қўйганлар. Савдо ташкилотлари Енгил саноат ва Маҳаллий саноат министрликлари билан 100 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш ҳақида шартнома тузишдан бош тортиб, тўғри иш қилмоқдалар: кўриниб турган брак учун давлат ҳисобидан ҳам, харидор ҳисобидан ҳам ҳақ тўлаб бўлмайди.

Министрлик ва идораларнинг раҳбарлари ўз корхоналари ишлаб чиқараётган ҳамма маҳсулот турларини қайтадан кўриб чиқишлари, юксак замонавий талабларга мос келмайдиган маҳсулотларни, айниқса, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни тўхтатишлари лозим. Маҳсулот сифати учун талаб жуда қаттиқ бўлиши керак, бу масалалар меҳнаткашларнинг талабларини эътиборга олиб оператив равишда ва иккиланмай ҳал этилиши зарур.

Ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг мана шу ва бошқа масалаларини ҳал этиш экономикани бошқаришга, хўжалик механизмини ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг эришилган даражаси билан, янги талаблар билан мувофиқ ҳолга келтиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Кейинги вақтларда бошқарув органлари фаолиятини яхшилаш зарурлиги ҳақида бир неча бор гапирилди. Бироқ кўпгина министрликлар, идоралар ўз ишларини суст қайта қурмоқдалар, қоғозбозликка, турли-туман инструкциялар тузишга берилиб кетмоқдалар.

Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети (Т. Б. Боймиров) бултур ўз ташкилотларига жами 144 минг нусхада 5 мингта турли ҳужжат ёки кунига 550 нусха ҳужжат юборди. Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги (Р. А. Абдуллаев) шу давр ичида 640 та буйруқ ва коллегиянинг 178 та қарорини чиқарди. Қишлоқ хўжалиги министрлиги (А. И. Икромов) қуйи ташкилотларга 700 тадан кўпроқ директив ҳужжат юборди. Бундай қоғозбозлик тармоқ ходимларини конкрет хўжалик вазифаларини ҳал этишдан фақат чалғитиши равшан.

Корхоналарнинг ҳуқуқларини, уларнинг мустақиллигини кенгайтириш йўлидан дадил бориш, хўжалик ҳисобини жорий қилиш ва шу асосда меҳнат коллективларининг масъулиятини ҳамда пировард иш натижаларидан манфаатдорлигини ошириш керак. Шу муносабат билан кенг миқёсли иқтисодий эксперимент муҳим аҳамият касб этади. Бу экспериментнинг ижобий натижалари кўриниб турибди. Унда қатнашаётган кўпчилик корхоналар шартномага мувофиқ маҳсулот юбориш мажбуриятларини ва истеъмолчилар олдидаги мажбуриятларини яхшироқ бажара бошладилар. Корхоналарда маҳсулот таннархи камайтирилди, пландан ташқари фойда олинди, моддий рағбатлантириш фондлари кўпайтирилди, план, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми мустаҳкамланмоқда.

Эксперимент шароитида иш тажрибасини синчиклаб ўрганиш, қийинчиликларни бартараф этишда корхоналарга ёрдам бериш лозим. Энг муҳими эса хўжалик юритишнинг синаб кўрилган формаларини барча министрликлар, идоралар, бирлашма ва корхоналар практикасига дадилроқ жорий қилиш керак.

Меҳнатни ташкил қилишнинг илғор формаларини, аввало, хўжалик ҳисобини ва бригада пудратини жорий қилишга алоҳида эътибор бериш лозим. Саноатда бу усулни жорий қилган коллективлар 29 мингтага етди, қурилишда эса олти мингтадан ошиб кетди. Қишлоқ хўжалигида бригада ва звеноларнинг 73 проценти коллектив пудрат асосида ишламоқда. Аммо бу ишда ҳали ҳам расмиятчилик, бюрократизм ҳоллари кўплаб учраб турибди.

Министрлар Совети, министрликлар ва идоралар, бирлашма ва корхоналарнинг раҳбарлари, партия, касаба союз ташкилотлари бригада формасини жорий қилиш ва меҳнатни рағбатлантиришнинг ҳолатини чуқур таҳлил этишлари, уни планли равишда ривожлантириш юзасидан қўшимча тадбирлар кўришлари зарур.

Ҳаёт меҳнат коллективлари планларини ҳаддан ташқари кўп кўрсаткичлардан ҳоли қилиш, ташаббус ва омилкорликка йўл очиб берадиган иқтисодий нормативларни кенг қўлланиш мақсадида планлаштириш системасини тубдан такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми бошқаришнинг ташкилий структураларини такомиллаштиришга киришиш, ортиқча бўғинларни тугатиш, аппаратни соддалаштириш, унинг самарадорлигини ошириш вазифасини қўйди. Бошқариш ва ишлаб чиқаришнинг турли даражаларидаги параллелизм ва бир хил ишни такрорлаш халқ хўжалигини ривожлантиришнинг кўпгина масалаларини ҳал этишни анча мураккаблаштиради. Мисол учун, агросаноат комплексини олиб кўрайлик. Ҳозирги кунда агросаноат комплекси структураси 15 та министрлик, давлат комитети, идораси ва бошқа республика ташкилотларидан иборат. Уларнинг ҳар бири ўзининг тармоқ, планлаштириш, таъминот, инженерлик хизматига, областлар ва районларда ўз бўлинмаларига эга.

Министрлар Совети бу масалани ҳар томонлама ўрганиб чиқиши ва ўз таклифларини киритиши зарур. Қишлоқда инженерлик хизматини ва барча қишлоқ хўжалик бўлинмалари моддий-техника таъминотини марказлаштириш бу борадаги дастлабки қадам бўлиши мумкин.

Кейинги вақтда Марказий Комитет, область ва район партия комитетлари тармоқда тартиб ўрнатиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш учун бир қанча катта ва дадил тадбирларни амалга оширдилар. Шунга қарамай, бугунги кунда ҳал этилиши ғоят муҳим қилиб қўйилаётган бир қанча проблемаларга тўхталиб ўтиш зарур. Бу энг аввало, тахминан бир хил тупроқ-иқлим шароитига эга бўлган хўжаликларда суғориладиган ҳар гектар майдондан ялпи маҳсулот етиштиришдаги йўл қўйиб бўлмайдиган катта тафовутга тегишлидир.

Ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш ҳамда шу асосда пахта ва юқори сифатли тола етиштиришни анча кўпайтириш асосий вазифа қилиб қўйилиши зарур.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш илғор технологияларни жорий этишни, моддий-техника ресурсларидан фойдаланишни яхшилашни талаб қилади. Техникадан самарали фойдаланишга, уни сақлаш, ремонт қилиш ва унга техникавий хизмат кўрсатишда тартиб ўрнатилишига эришиш лозим.

Чорвачиликда фойдаланилмаётган анчагина резервлар бор. Моллар подасини кўпайтириш ишлари суст олиб борилаётганлиги, наслчилик ишида тартибнинг йўқлиги натижасида хўжаликлар маҳсулотни анча кам оляптилар.

Чорвачиликни юксалтириш озуқа базаси билан мустаҳкам боғлиқдир. Озуқа базасини мустаҳкамлаш учун қўшимча шарт-шароит вужудга келтирилди. Ҳозирги пайтда ерлардан фойдаланишда тартиб ўрнатилмоқда. Агротехника тадбирлари комплекси ўтказилиб, суғориладиган майдонларни ўлчаб чиқиш ишлари тугалланди, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этишга кўпроқ эътибор берилмоқда. Пахта харид қилиш плани камайтирилганлиги озуқа экинлари экиладиган майдонларни 200 минг гектардан зиёдроқ кўпайтириш имконини берди.

Беда, силос учун маккажўхори, озуқабоп илдиз мевали экинлар экиладиган майдонлар анча кўпайтирилди. Кўпгина хўжаликлар ана шу тадбирлар муҳимлигини ҳисобга олиб, озуқа экинларини алмашлаб экиш далаларига ўз вақтида экиб бўлдилар ва экинларни парвариш қилишни авж олдириб юбордилар.

Бироқ бир қанча жойларда ўтган йиллардаги хатоларни аввалгидек такрорлаб, экин экиш планлари бузилишига, алмашлаб экишга киритилмаган майдонларга экилишига, нотўғри ҳисобот берилишига йўл қўймоқдалар.

Чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикалари қувватларидан фойдаланишда анчагина камчиликлар мавжуд. Ўтган йили Тошкент паррандачилик фабрикасида ана шундай қувватларнинг атиги 15 процентидан фойдаланилди. Умуман республикада паррандачилик фабрикаларининг ишга туширилган қувватларининг ярмидан камроғидан фойдаланилди. Бундай исрофгарчиликка чек қўйиш зарур.

Чорвачиликни юксалтириш республика партия, совет, хўжалик органлари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Тармоқда партиявий кучлар жой-жойига қўйилишини яна бир бор кўздан кечириш, тармоқни мутахассислар билан мустаҳкамлаш, чорвадорларнинг ишлаши ва дам олиши учун барча зарур шароитларни вужудга келтириш, уларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш зарур. Озуқа базасини кенгайтириш, қорамолларни тўғри парвариш қилиш, ветеринария нормаларига қатъий риоя этиш ва шу асосда гўшт, сут ва тухум етиштиришни кўпайтиришга эришиш учун хўжаликлар ва фермалар раҳбарларининг масъулиятини кескин равишда ошириш керак.

Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқариш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш —агросаноат комплекси бутун ишининг бош мақсадидир. Республикада аҳолини сабзавот, мевалар билан таъминлашни яхшилаш учун катта резервлар мавжуд ва ана шу резервларни дарҳол ишга тушириш лозим.

Барча вазифалар ва планлар, экономика соҳасида КПССнинг бутун куч-ғайратлари пировард натижада бир мақсадга —совет кишиси турмушини таъминланган ва яхшироқ қилишга қаратилган. Кейинги вақтда республикада аҳоли жон бошига чакана товар обороти ҳажми ўсди, савдо-сотиқ ва маиший хизмат кўрсатишнинг моддий-техника базаси бирмунча мустаҳкамланди.

Аммо аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш даражаси ҳали бугунги кун талаблари ва вазифаларига жавоб бермаяпти. Тармоқни ривожлантиришнинг белгиланган планлари бажарилмаяпти. Республикада аҳоли пул ҳаражатларининг 80 проценти моллар сотиб олишга ва атиги 7-8 проценти маиший хизматга тўғри келмоқда. Бу мамлакат бўйича энг ёмон нисбатлардан биридир.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни жадал ривожлантиришни планлаштириш зарур. Омбор-магазинлар, ёғоч-тахта билан савдо қилувчи базалар, савдо-ишлаб чиқариш комплекслари, маиший хизмат корхоналари қуриш керак, токи улар аҳолига кенг кўламда хизмат кўрсатиши, шу жумладан хусусий уй-жойларни ремонт қилиши ва қуриб бериши лозим.

Иш манфаатлари маиший хизмат корхоналарининг иш режимига яна бир бор тўхталиб ўтишни талаб қилади. Интизомни мустаҳкамлаш соҳасида маълум тадбирлар амалга оширилгандан кейин бу борада муайян ишлар қилинди. Бироқ шундан сўнг зарур контрол йўқлиги туфайли кўпгина савдо, маиший хизмат корхоналари, одамларнинг кундалик талаб-эҳтиёжлари билан боғлиқ давлат муассасалари ўзларича, улар хизмат кўрсатаётган кишиларга эмас, балки шу соҳада ишлаётган кишиларга қулай бўлган эски иш жадвалига ўвбошимчалик билан ўтиб олдилар. Министрлар Совети, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари ана шу масалаларга яна қайтишлари, хизмат кўрсатиш соҳасида қатъий ва доимий тартиб ўрнатишлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида уй-жой проблемаси каби социал проблемани ҳал этишга алоҳида эътибор берилди. Бу борада бизда анчагина қолоқликка йўл қўйилмоқда. Беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари бўйича жами майдони салкам икки миллион квадрат метр уй-жой ёки 28 мингта квартира фойдаланишга топширилмади.

Халқ депутатлари Советлари, уларнинг ижрочи ва фармойиш берувчи органлари уй-жой, маданий-маиший қурилиш планлари сўзсиз бажарилишига, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ва уларнинг сифатини оширишга, аҳолига медицина, савдо, транспорт, коммунал хизматни яхшилашга алоҳида эътибор беришлари зарур.

Иқтисодий ва социал ривожланишнинг истиқболли ва жорий вазифаларини амалга ошира бориб, партиянинг бўлажак анжуманига тайёргарлик кўрар эканмиз, деб уқтирилди докладда, советларга, касаба союзлар ва комсомолга, халқ контроли органларига тўлароқ таянишимиз, жамиятимиз сиёсий системаси барча бўғинлари фаолиятини активлаштиришимиз керак.

Аҳолисининг кўпчилиги 25 ёшгача бўлган йигит ва қизлардан иборат республикамиз шароитида ёшларни тарбиялашда комсомолнинг ролини оширишга оид ишлар алоҳида аҳамиятга эгадир.

Республика ёшлари, аҳоли барча табақалари орасида олиб бориладиган ишларни кучайтириш партия комитетлари ва ташкилотларининг диққат марказида туриши, ҳозирги куннинг бош вазифаси — социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш билан энг кўп даражада боғлиқ қилиб қўйилиши зарур.

Интизом, уюшқоқлик ва тартибни янада мустаҳкамлаш социалистик мулкни талон-торож қилиш ва ўғирлашга, қонунлар ва ахлоқ нормалари бузилишига қарши курашни кучайтиришни талаб қилади. Кейинги вақтда бу борада кўпгина ишлар қилинди. Лекин ҳуқуқ бузилишига йўл қўймаслик ва унинг олдини олишга маъмурий органлар ва кенг жамоатчиликнинг куч-ғайратларини бундан буён ҳам кучайтириш лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари якдиллик билан қўллаб-қувватладилар ва қизғин маъқулладилар. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар жойларда ишларнинг аҳволини яхши билган ҳолда қабул қилинаётган тадбирларни актив қўллаб-қувватламоқдалар, камчиликлар ва салбий ҳолатлар тўғрисида маълум қилиб, уларни тугатиш юзасидан оператив ва қатъий чоралар кўрилишини талаб қилмоқдалар. Партия комитетлари, совет, давлат органлари ўтказилаётган йўлни амалга оширишда ўз куч-ғайратларини кўпайтиришлари зарур.

Бутун тарбиявий ишимизни янги поғонага кўтаришимиз лозим. Ўртоқ М. С. Горбачев таъкидлаганидек «бировларга ғалати туюлса ҳам пропагандада, умуман идеология фаолиятида ҳам гап камроқ, иш кўпроқ бўлиши керак».

Партия ташкилотлари юз бераётган иқтисодий ва социал жараёнлар моҳиятини тўла тушунишда, уларнинг объектив ҳаётий зарурат эканлигини англаб етишда одамларга ёрдам беришлари керак. Агитацияни коллектив ишларига яқинлаштириш, унинг марказини бевосита цех, бригада ва фермаларга кўчириш зарур.

Агитаторлар, сиёсий ахборотчилар ва пропагандистларнинг иши мазмуни сифат жиҳатдан янги, форма ва методлари жиҳатидан ранг-баранг бўлиши лозим. Коллективларда зарур муҳитни вужудга келтириш, ҳалол ва виждонан қилинган меҳнат лозим даражада баҳоланишига ва аксинча ишёқмаслик, бўшанглик, интизомни бузиш ҳоллари ишдаги ўртоқлар томонидан қораланишига одамларда ишонч ҳосил қилиш кўп даражада уларга боғлиқдир.

17 май куни республикада КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг якунлари ва партия XXVII съездига тайёргарлик билан боғлиқ вазифалар юзасидан ягона сиёсий кун ўтказилади. Ягона сиёсий кунда Марказий Комитет, область, шаҳар ва район партия комитетларининг аъзолари, раҳбар кадрлар, олимлар, маданият арбоблари иштирок этишлари керак.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари янада таъсирчан ишлашлари зарур. Матбуотда эълон қилинаётган кўпгина мақолаларда, телевидение ва радиоэшиттиришларида ҳали кўтариб чиқилаётган проблемаларни чуқур таҳлил этиш ва ҳаётий умумлашмалар, ижтимоий ўткирлик етишмайди.

КПСС XXVII съездига тайёргарликнинг энг масъулиятли даври бошланди, деди пировардида И. Б. Усмонхўжаев. Барча кучларни КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг партия съездини муносиб кутиб олишга оид йўл-йўриқлари моҳиятини чуқур тушунтиришга сафарбар этиш, бу ишга барча партия, совет, идеология кадрларини жалб этиш зарур. Бу соҳадаги ишларни авж олдириб, КПСС Марказий Комитети тез орада XXVII съезд ҳужжатларини умумхалқ муҳокамасига қўйишини ҳисобга олиш керак. Муҳокамага тайёргарлик ишлари ҳозирнинг ўзидаёқ бошлаб юборилиши лозим.

Хуллас, партиянинг талаби шундан иборатки, баландпарвоз сўзлар эмас, балки ишчанлик партия ташкилотларининг съездолди давридаги бутун ишининг асосини ташкил этиши керак. Партия чақириқларига зарбдор меҳнат билан жавоб қайтариш — коммунистлар, барча совет кишилари учун ҳамиша энг яхши анъана бўлиб келди. Ишчидан тортиб министргача биз ҳаммамиз куч-ғайрат ва собитқадамлик билан иш кўриб, ҳамма жойда ва барча соҳаларда ташаббускорлик, ишга ижодий ёндашув, социалистик омилкорликни намойиш қилишимиз керак.

КПСС XXVII съездига тайёргарлик меҳнаткашларнинг ватанпарварлик ташаббусини авж олдириб юбормоқда. Андижон область Шаҳрихон қурилиш-монтаж бошқармасининг СССР Давлат мукофоти лауреати Ёқубжон Марасулов бошчилик қилаётган экскаваторчилар бригадаси коллективи план ва социалистик мажбуриятларни бажаришга ижодий ва масъулият билан муносабатда бўлишнинг ёрқин намунасини кўрсатмоқда. Бухоро тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Валентина Ильинична Климова, Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назрилла Маннопов бошчилик қилаётган бригадаси 1989 йил ҳисобига ишламоқда.

Республикада минглаб ана шундай новаторлар, илғор меҳнат коллективлари бор. Партия ташкилотлари илғорларнинг тажрибаси ҳамманинг мулкига, уларнинг меҳнат рекордлари барча меҳнаткашларнинг кундалик иш нормасига айлантирилиши тўғрисида ғамхўрлик қилишлари зарур.

Республика меҳнаткашлари КПСС XXVII съездини якдиллик билан муносиб кутиб олишга интилмоқдалар. Улар партиянинг бўлажак анжумани шарафига зиммага олинган оширилган социалистик мажбуриятларни бажаришга собитқадамлик билан куч-ғайратни сафарбар этмоқдалар.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари съездолди мажбуриятлари бажарилиши устидан қатъий контрол ўрнатишлари зарур. Мусобақа қатнашчиларининг ташаббусини бундан буён ҳам ривожлантириш, дадил фикрни, ижодий изланишни рағбатлантириш, коллективларнинг куч ғайратини халқ хўжалигининг энг муҳим вазифаларини ҳал этишга, шу йил ва умуман беш йиллик планларини бажаришга йўналтириш керак.

Энг аввало, коммунистлар намунали хизмат қилишда ўрнак бўлишлари лозим. Зарбдор меҳнат, сўз билан иш бирлиги, ташаббускорлик ва масъулият, ҳамма жойда ва барча ишда юксак талабчанлик съезд олди ишларининг асосий мазмунини ташкил этиши керак.

Докладчи КПСС ленинчи Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашган республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдириб, съездни янгидан янги меҳнат зафарлари билан, партия ва халқ бирлигини янада мустаҳкамлаш билан нишонлайдилар, деб ишонч билдирди.

Апрель Пленумининг ҳужжатлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг доклади Тошкент области партия ташкилотларида, меҳнат коллективларида актив, амалий тарзда муҳокама қилинмоқда. КПСС Марказий Комитетининг экономика ҳамма тармоқларини жадал интенсивлаш, мавжуд катта-катта резервлардан тўлиқроқ ва самаралироқ фойдаланиш, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати жиҳатидан олдинги марраларга чиқиб олиш юзасидан ўртага қўйилган программа тарзидаги, кенг қамровли мақсадларни меҳнаткашлар ўзларининг биринчи навбатдаги жонажон иши деб қабул қилдилар, деди Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **Т. А. Алимов.**

Бу ишда фан-техника тараққиёти алоҳида ўрин олади. Область партия комитети илмий лойиҳалар ишлаб чиқишни жадаллаштириш ва уларни тезроқ жорий қилиш механизмини пухталаштириш учун амалий чораларни кўрмоқда, илмий коллективлар, корхона ва хўжаликлар раҳбарларининг бу иш самарадорлигини оширишдан бевосита манфаатдор қилиш йўлларини қидирмоқда. Область партия комитети Фанлар академияси билан биргаликда тузган область илмий маркази илмфаннинг ишлаб чиқариш билан ўзаро алоқалари воситаларидан бири бўлиб қолди.

Бу марказ ишининг дастлабки якунлари умид бахш этмоқда. Айни вақтда биз бу, ҳали катта ва масъулиятли ишнинг бошланишигина эканини, бу ишни кенгайтириш ва чуқурлаштириш зарурлигини тушуниб турибмиз. Яқинда область партия комитетининг бюроси илмий жамоатчиликнинг кенг иштироки билан марказнинг фаолиятини синчиклаб кўриб чиқди ва область экономикасини интенсивлашга, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини оширишга қаратилган конкрет вазифаларини, айниқса, меҳнат унумдорлигини ошириш, асосий фондларни янгилаш ва улардан имкони борича унумли фойдаланиш, фан ва техника ютуқларини самарали жорий қилиш масалалари хусусидаги вазифаларини белгилаб берди.

Шу йилнинг ўзидаёқ бу вазифаларни ҳал этишдаги муваффақиятга асос яратилиши керак. Биз саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб 7 процент кўпайтиришимиз, яъни беш йилликдаги ўртача йиллик кўрсаткичдан 1,5 баравар оширишимиз лозим. Бунинг учун эса бир қанча тармоқларда йўл қўйилган қолоқликни тугатиш, план топшириқларини бажара олмаётган ҳамма корхоналарнинг ишини юқори даражага кўтариш керак.

Ҳозир партия ташкилотларининг иши камчиликларни тугатишга қаратилган. Ҳар бир корхона йўл қўйилган қолоқлик ўрнини тўлдиришнинг конкрет муддатлари кўрсатилган тадбирларни ишлаб чиқди. Биз йилнинг биринчи ярми якунида ишни анча яхшилаб олиш, асосий техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар юзасидан белгиланган планларни бажариш вазифасини қўймоқдамиз. Қишлоқ хўжалигида, айниқса, чорвачиликда ва мева-сабзавотчиликда кўп иш қилиниши, мева-сабзавот маҳсулотини тайёрлаш, асраш, қайта ишлашни ва шу маҳсулотлар билан аҳолини таъминлашни қатъиян яхшилаш лозим.

Биз ҳисобот ва сайловларга тайёрланиш пайтида область партия ташкилоти ҳамма бўғинларининг фаолиятини синчиклаб танқидий анализ қилишни, эришилган натижаларга холисона ва принципиал баҳо беришни, ишлаб чиқаришни ўстиришнинг, экономика самарадорлигини оширишнинг имкониятлари ва конкрет йўлларини аниқлашни, келгусидаги изчил ва собитқадам иш программасини ишлаб чиқишни бош вазифамиз, деб биламиз.

Андижон область Кўрғонтепа районидаги «Савай» совхоз-техникумининг директори **Б. Абдураҳмоновнинг** уқтиришича, республикада қарор топаётган соғлом, ишчанлик муҳитида ишлаш мароқли, ишлаб чиқаришда ҳам, жамоат турмушида ҳам кўпроқ иш қилгинг келади. Партия экономикани интенсивлашнинг янги воситаларини, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш йўлларини актив равишда қидираётганини кўриб турибмиз. КПСС Марказий Комитетида меҳнат коллективларининг раҳбарлари, мутахассислар ва олимлар билан ўтказилган учрашувда ҳам шу ҳақда гапирилди, мен бу учрашувда қатнашишга мушарраф бўлдим.

Бундан буён ҳам етилган проблемаларни давлат позицияларидан туриб ошкора муҳокама қилиш ва ҳал этиш, сохта дабдабабозликни ишимиздан соқит қилиш, ижобий тажрибага таяниш, нуқсонларни ҳеч чўчимай очиб ташлаш ҳар бир конкрет участкадаги ишни қатъиян яхшилашнинг янги имкониятларини беришига аминман.

Хўжалик ҳисобидаги бригадалар, ихтисослаштирилган бўлимлар, район агросаноат бирлашмалари кенгашлари ва шу каби бошқа янги иш формаларининг жуда катта имкониятларини турмуш исботлаб берди. Бироқ ҳанузгача районда ернинг хўжайини кўп, қоғозбозлик тугатилмаган, ташкилий ишдаги чигалликлар ҳам оз эмас.

Республика министрликлари ва идоралари, барча хўжалик органлари раҳбарликдаги эскича ёндашишларга ёпишиб олишдан тезроқ халос бўлишлари керак.

Партиянинг тартиб ва интизомни мустаҳкамлашга, социалистик демократияни ривожлантиришга, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини оширишга оид йўл-йўриқларини меҳнаткашлар зўр манфаатдорлик билан қабул этиб, қўллаб-қувватламоқдалар. Мана шундай вазият, КПСС Марказий Комитетининг йўлини бутун партия ва бутун халқ қўллаб-қувватлаётганлиги, совет кишиларининг активлиги ошиб бораётганлиги — ҳозирги ва ўн иккинчи беш йиллик муваффақиятининг энг ишончли гаровидир.

Коллективимиз XXVII съездга тайёргарлик кўрар экан, оширилган мажбуриятлар қабул қилди. 19 минг тонна пахта, 430 тонна гўшт, 2850 тонна сут, 20 тонна пилла берамиз, 15 миллион сўмлик маҳсулот етиштирамиз.

Наманган область партия комитетининг биринчи секретари **Н. Р. Ражабов** ўз нутқида тартиб-интизомни, уюшқоқликни янада мустаҳкамлаш масалаларига тўхталди. Партия ташкилотлари кадрлар билан ишлашда эскиликка, инерция ва одат кучига, бамайлихотир яшаш истагига, иш ўрнига гап сотишларга барҳам беряптилар. Кейинги вақтларда бир қанча партия комитетлари, область ижроия комитети, кўпгина область, шаҳар ва район ташкилотлари ва хўжаликларига раҳбарлик мустаҳкамланди. Меҳнат коллективларининг ҳаётида соғлом ижтимоий-сиёсий ва маънавий вазият мустаҳкам қарор топмоқда.

Айни маҳалда партия ташкилотлари омманинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини оширишнинг кўпдан-кўп резервларидан ҳали тўла даражада фойдаланмаётирлар. План ва мажбуриятларини бажармаётган корхоналар ва хўжаликлар ҳам бор. Тармоқларнинг ўзаро алоқаларини ривожлантиришдаги мутаносибсизликларга охирига қадар барҳам берилмаган. Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни ўстириш суръатлари билан қайта ишлайдиган корхоналар ва омборларнинг қувватларини ошириш ўртасида узилиш бор. Бунинг натижасида, масалан, хўраки узум навлари вино тайёрлаш учун қайта ишланмоқда, мева шарбати заводи қурилиши эса пайсалга солинмоқда. Аҳолини йил бўйи сабзавот ва мева билан таъминлашда жиддий қийинчиликлар ҳамон сақланиб қолмоқда.

Бизнинг бирлашмамиз йигирма йилдан бери ишлаб келмоқда, деди «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта аппаратчиси **Л. М. Жолудева.**—Энг замонавий аппарат ва машиналар, контрол воситалари ва автоматика билан таъминланган ишлаб чиқариш билан

(Давоми 3- ва 4-бетларда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XX ПЛЕНУМИ

(Боши 1- ва 2- бетларда).

бир қаторда эски, маънавий ва жисмоний сиқиқланган асбоб-ускуналар билан ишлаб турган, шу сабабли меҳнат шароитлари оғир бўлган цехлар ҳам бор.

Бирлашма раҳбарлари ва партия ташкилоти корхонани реконструкция қилиш масалаларини ҳал этаётган бўлсалар ҳам, аммо бу иш жуда суст бормоқда. Ваҳоланки, ҳозирнинг ўзидаёқ меҳнат шароитларини яхшилаш, унинг унумдорлигини ошириш соҳасида кўп иш қилиш мумкин.

Бу ўринда корхона инженер-техник ходимларининг катта группаси ўз сўзини айтиши керак. Инженер ва техниклар-нинг 30 процента актив рационализатор ва ихтирочилар. Қолган мутахассислар-чи?

Ҳар бир инженер-техник ходим ижодий иш билан шуғулланиши лозим, деб ҳисоблайман. КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида инженерларнинг ишлаб чиқаришдаги ролини ошириш масаласи тўғри қўйилди. Бизнинг бирлашмамизда новаторлик фаолиятига жалб этилган кишилар доираси ҳозирча унчалик кенг эмаслиги айрим цех ва ишлаб чиқаришлар иши барқарор эмаслигининг, баъзи технология узеллари ва агрегатлари пухта ишламаслигининг сабабларидан биридир.

Техниканинг бир ўзи ишнинг муваффақиятини ҳал этмайди, албатта. Барибир кадрлар асосий куч бўлиб қолаверади. Бирлашмада одамлар билан ишлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Аммо бу соҳанинг ҳам ўз қийинчиликлари бор. Уй-жойларнинг, болалар боғчаларидаги ўринларнинг етишмаслиги, турар жойларда сув ва иссиқликнинг нормал режими йўқлиги мана шу қийинчиликларнинг энг каттасидир. Асосан мана шуларнинг оқибатида биз кадрлар қўнимсизлигини камайтиришга, коллективни барқарор қилишга эриша олмаяпмиз. Шу боисдан ҳам коллективда ўн иккинчи беш йилликда Навоий областида уй-жой, коммунал ва маданий-маиший қурилишнинг аниқ-равшан ва кенг қўламли программаси алоҳида миннатдорчилик билан кутиб олинди. Партия билан ҳукуматнинг индустриал шаҳримиз эҳтиёжларига бу қадар эътибор бериши икки баравар зўр ғайрат билан меҳнат қилишга руҳлантирмоқда.

Бугун пленумда айтилган гаплар Қашқадарё область партия ташкилотига тўлақонли тўғри таълуқлидир, деб таъкидлади область партия комитетининг биринчи секретари **Н. Туропов**. Докладда кўрсатиб ўтилган қўпгина камчилик ва проблемалар бизнинг областимизда тағин ҳам ўтқирроқ характерга эга.

Область партия ташкилоти бу вазифаларни ҳал этишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг йўлини изчиллик билан ўтказиб, ўз куч-ғайратларини топширилган иш учун кадрларнинг масъулиятини оширишга, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлашга, областдаги вазиятни соғломлаштиришга, халқ хўжалик планларини бажаришда йўл қўйилган қолоқликни тугатишга сарфламоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси одамларнинг ғайрат-шижоатини ва ижтимоий активлигини оширишга яхши таъсир қилмоқда. Об-ҳаво шароитлари мураккаб келишига қарамай чигит энг яхши муддатларда экиб олинди, ғўза ниҳоллари уюшқоқлик билан парвариш қилинмоқда. Қурилиш ташкилотлари ишидаги салбий тенденцияларни тугатишга ва бу ишни яхшилаб олишга муваффақ бўлинди. 1985 йилнинг тўрт ойи ичида асосий фондларни ишга тушириш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 баравар, уй-жойларни фойдаланиш учун топшириш бир ярим баравар кўпайди.

Шу билан бирга биз ҳали экономикадаги ишларнинг аҳволида туб бурилишга эришганимиз йўқ. Саноат корхоналарининг иши бизни мутлақо қаноатлантирмаяпти. Корхоналарнинг 10 процента маҳсулот реализация қилиш давлат планларини бажармаяпти, ҳар 6 корхонадан бири шартнома мажбуриятларига риоя этмаяпти. Газ, енгил ва маҳаллий саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан дуруст фойдаланилаётгани йўқ. Қишлоқ хўжалигидаги жиддий қолоқлик давом этмоқда.

Биз мана шу камчиликларнй, аввало, ўз ишимиздаги нуқсонлар деб биламиз. Область партия комитети бу нуқсонларни тугатиш учун янада қатъият билан курашади, ҳар бир ходим олдига ўз хизмат вазифаларини бажариши учун янада қаттиқроқ талаб қўяди.

Октябрь революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонт заводи электр слесарларининг бригадири **Н. М. Железнов** бундай деди:

— Пленумнинг партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш — аввало, беш йилликни муваффақиятли тугаллаш, ҳамма резервларни ишга солиш, ҳар бир киши ўз иш жойида ҳалол ва зўр самарадорлик билан ишлашига эришиш демакдир, деган талаблари ишчи бўлганим учун менга, айниқса, равшан ва тушунарлидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ишлаб чиққан йўл бизни худди мана шундай ишлашга йўналтиради. Ҳозир ҳудди шундай ишлаш ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир коммунист ишининг асосий мазмуни бўлиб қолди.

Қабул этилган қарорлар, рўй бераётган ижодий ўзгаришлар ёпасига маъқулланиб, қўллаб-қувватланмоқда. Бу эса коллективимиз фаолиятида ҳам намоён бўлмоқда. Завод бирмунча барқарор ишлайдиган бўлиб қолди. 1984 йил ва шу йилги январь—апрель ойлари планининг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари дуруст бажарилди. Ходимларни қўпайтирмай туриб, ишлаб чиқариш ҳажмини анчагина ўстиришга эришилди. Ўтган йили тепловозларни ремонт қилиб чиқаришнинг ўзигина 18,2 процент кўпайди. Корхонани реконструкция қилишнинг қўпгина масалалари ҳал этилди. Умуман коллективда, партия ташкилотида ўзаро талабчанлик кучайди, интизом даражаси ошди. Бу эса маънавий-психологик иқлимга ижобий таъсир қилди.

Интизом, уюшқоқлик ва тартибни мустаҳкамлаш бир қанча социал масалаларни ҳал этиш билан чамбарчас боғланган. Ишчи ва мутахассисларни шинам уй-жой билан таъминлаш шу масалаларнинг биридир. Бироқ неча марталаб қилинган танқидга қарамай, Тошкент шаҳар ижроия комитети ҳозирча пайчилик билан иштирок этиш асосида уй-жой ажратишда меҳнат коллективларидан қарзини узишда сусткашлик қилмоқда. Ҳолбуки, биз кўзда тутилган маблағни ўз вақтида ўтказиб турибмиз.

Фан-техника тараққиётини янада жадаллаштириш апрель Пленуми ўртага қўйган марказий масалалардан биридир. Шаҳар индустрияси ҳозир ҳам янги илғор, серунум станок ва машиналарга, илғор технологияга, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг янада мукаммалроқ формаларига муҳтож бўлиб турибди. Ҳамон қўл меҳнати салкам 40 процентни ташкил этадиган бизнинг заводимиз ҳам мана шуларга муҳтож. Бу соҳада олимларимиз кўп иш қилишлари мумкин ва лозим. Чунки, шаҳарда илмий муассасалар жуда кўп. Республика Фанлар академияси ва унинг президенти П. Қ. Ҳабибуллаевнинг диққат-эътиборини шунга қаратмоқчиманки, ҳали биз ишлаб чиқаришни янгилаш ва уни қайта қуришнинг энг зарур проблемаларини ҳал этишда институтларнинг амалий ёрдамини камдан-кам сезмоқдамиз.

Пленумнинг коммунистларнинг съездолди коллектив кенгаши—партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов кампанияси энг юксак даражада, сохта дабдабабозликсиз, қуруқ ваъзхонликсиз ўтсин, деган кўрсатмаси биз га жуда тушунарли. Ҳар бир партия ташкилотидаги асосий йиғилиш жанговарлик, ўз-ўзини танқид руҳида ўтиши биз, коммунистларнинг ҳар биримизга боғлиқ бўлади. Биз, коммунист ишчилар республика партия ташкилотимизнинг ҳар бир ячейкасида, ҳар бир бўғинида қилинган ишларнинг янгиларини ҳақида,олға томон қилинадиган бундан буёнги ҳаракат йўллари тўғрисида принципиал, очиқ-равшан гаплашиб олинадиган бўлиши учун ҳамма ишни қилишимиз керак.

(Давоми тўртинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XX ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXI СЪЕЗДИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорига биноан:

1. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг навбатдаги XXI съезди 1986 йил 31 январда чақирилсин.

2. Съезднинг кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

1) Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ҳисоботи.

Докладчи — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев.

2) Ўзбекистон Коммунистик партияси Ревизия комиссиясининг ҳисоботи.

Докладчи— Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг раиси ўртоқ Ш. Ёқубов.

3) «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986-1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган истиқболга мўлжалланган Асосий йўналишлари» юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездига лойиҳаси тўғрисида.

Докладчи — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Ғ. Ҳ. Қодиров.

4) Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетини ва Ревизия комиссиясини сайлаш.

3. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига вакиллик нормаси партиянинг 400 аъзосидан бир делегат қилиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига делегатлар партия Уставига мувофиқ область партия конференцияларида ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан сайланади.

Совет Армияси, ички ва чегара қўшинлари партия ташкилотларида турувчи коммунистлар Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига делегатларни тегишли территориал партия ташкилотлари билан биргаликда область партия конференцияларида сайлайдилар.

5. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди арафасидаги ҳисобот-сайлов кампанияси қуйидаги муддатларда: бошланғич партия ташкилотларидаги йиғилишлар — шу йил сентябрь-ноябрь ойларида; район, шаҳар партия конференциялари —1985 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида; область партия конференциялари— 1985 йилнинг декабрь-1986 йилнинг январь ойларида ўтказилсин.

6. Область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларини юксак ташкилий-сиёсий даражада, КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми талаблари руҳида ўтказилишини таъминласинлар.

Йиғилишлар ва конференцияларда партия XXVI съезди-нинг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошириш юзасидан қилинган ишларнинг якунлари чуқур ва ўз-ўзини танқид руҳида таҳлил этилсин. Ҳар бир меҳнат коллективи, район, шаҳар, областнинг ўн биринчи беш йилликдаги хўжалик ва маданий қурилиш планларини қандай бажарганлиги батафсил кўриб чиқилсин. Ташкилий-партиявий, идеологик ишларнинг аҳволи кенг муҳокама этилсин, партия, давлат, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришда уюшқоқлик ва тартиб ўрнатиш, коммунистларнинг масъулиятини кучайтириш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш, раҳбарлик услуби ва методларини такомиллаштириш ҳақидаги партия талаблари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари амалда қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилсин.

Бутун ҳисобот-сайлов кампанияси КПСС XXVII съездига тайёргарлик соҳасидаги партиявий ва сиёсий ишларни активлаштиришга қаратилсин, коммунистларнинг ижодий активлигини, ташаббускорлиги ва масъулиятини янада оширишга, партия ташкилотларининг куч-ғайратини 1985 йил ва, умуман, ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш йўллари ва имкониятларини қидириб топишга сафарбар этишга эришилсин.

Партия йиғилишлари ва конференцияларни практиканн ҳамда ҳал этилмаган проблемаларни коллектив идрок этиш намунаси бўлиб хизмат қилиши, ишчанлик, принципиаллик, коммунистларнинг ўзаро талабчанлиги вазиятида, партия ташкилотлари ва уларнинг раҳбар органлари иши натижаларини танқидий баҳолаш вазиятида ўтиши лозим. Ҳисобот ва сайловлар партия турмушининг ленинча нормаларини янада мустаҳкамлашга, ички партиявий демократияни, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришга, партия ташкилотлари барча бўғинларининг жанговарлигини оширишга, партия сафларини мустаҳкамлашга, коммунистларнинг авангардлик ролини кучайтиришга кўмаклашиши зарур.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XX ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

«КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1985 ЙИЛ АПРЕЛЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ПАРТИЯ XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ»

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми «КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг якунлари ва республика партия ташкилотининг партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш соҳасидаги вазифалари» ҳақида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, шуни қайд этадики, республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорларини чуқур мамнуният ва якдиллик билан маъқуллаб кутиб олдилар, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, унинг сиёсий йўли давомийлигини ва изчиллигини, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, халқ фаровонлигини ошириш соҳасидаги қатъий тадбирларини актив қўллаб-қувватлайдилар.

Кўпгина партия, совет, касаба союз, комсомол, хўжалик органлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини бажара бориб, вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалидан, қулай табиий-иқлим шароитларидан, бой хом ашё ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тадбирларини қатъият билан рўёбга чиқармоқдалар, партия, давлат ва меҳнат интизомини кучайтирмоқдалар.

Республикада халқ хўжалигининг ҳамма тармокларини планли равишда ривожлантириш таъминланмоқда, миллий даромад йил сайин узлуксиз ортиб бормоқда. Бир қанча министрликлар, бирлашмалар, корхоналар белгиланган топшириқлар ва шартнома мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Баъзи областларнинг саноати ишида муайян силжишлар юз берди. Пахта тайёрлашнинг янгича системасига ўтилганлиги натижасида пахтанинг сифати яхшиланди. Шу туфайли колхозлар ва совхозларнинг иқтисодий аҳволи яхшиланди.

Коммунистларнинг активлиги ошди, бошланғич партия ташкилотларининг талабчанлиги, раҳбарлар, мутахассислар, хўжалик кадрларининг масъулияти ва ташаббускорлиги ўсди, ишлаб чиқариш ва жамоат ҳаётидаги масалаларни ҳал этишда меҳнат коллективларининг роли ошди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми ташкилотчилик ва сиёсий ишлар даражаси ҳозирча партия ҳозирги босқичда, илгари суриётган вазифаларга тўла-тўкис жавоб бермайди, деб ҳисоблайди. Хатоликлар ва номутаносибликлар, ҳисоб-китоб қилишнинг етарлича асосланмаганлиги, социалистик хўжалик юритиш принципларининг бузилиши оқибатида беш йиллик плани кўпгина қўрсаткичлар бўйича қониқарсиз бажарилмоқда. Ялпи ижтимоий маҳсулотнинг планда белгиланган даражада ўсиши таъминланмади, саноат, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳажмини, меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари етарли эмас.

Бир қатор тармоқларда шартнома мажбуриятини қўпол равишда бузиш, планларга тузатишлар киритиш, қўшиб ёзишлар барҳам топмаган. Енгил саноат министрлиги (ўртоқ М. Ҳ. Қурбонов), Озиқ-овқат саноати министрлиги (ўртоқ М. Й. Йўлдошев), Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги (ўртоқ Қ. Ҳ. Муҳаммадалиев) корхоналарида ва бошқа жойларда ҳамон сифатсиз ва буюртма қилинмаган турдаги моллар ишлаб чиқарилмоқда. Айрим корхоналарда, бирлашмаларда ишда тегишлича тиғизлик таъминланмаяпти. Ишлаб чиқариш қувватларидан яхши фойдаланилмаяпти. Бухоро, Хоразм областларида ўрнатилган машина-ускуналарнинг учдан бир қисмидан кўпроғи бекор турибди.

Партия комитетлари, Госплан, министрликлар, идоралар, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ягона илмий-техника сиёсатини ўтказишда лозим даражада қатъият кўрсатмаяптилар. Кўпгина тармоқларда, бирлашмалар ва корхоналарда ишлаб чиқаришнинг техника даражасини оширишда кадрларнинг масъулияти пасайтириб юборилган, илмий ечимлардан суст фойдаланилмоқда, асосий фондлар секинлик билан янгиланмоқда, янги техника ва прогрессив технология дадил жорий этилмаяпти.

Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари хўжасизлик, исрофгарчилик фактларига принципиал баҳо бермаяптилар, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш ҳамда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш юзасидан тегишлича чоралар кўрмаяптилар. Андижон, Тошкент, Сурхондарё областларида, Қишлоқ қурилиши министрлиги, Бинокорлик материаллари саноати министрлиги корхоналарида иш вақтининг кўплаб зое кетишига йўл қўйилмоқда.

Область партия комитетлари, халқ депутатлари область, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари, министрликлар ва идоралар планларнинг бажарилмаслиги, уй-жой қурилиши ҳамда социал-маиший объектлар қурилиши сифати пастлигига тоқат қилиб келмоқдалар. Навоий, Сирдарё областларида асосий фондларни ишга туширишда жиддий қолоқликка йўл қўйилган.

Агросаноат комплекси тармоқлари фаолиятида, Озиқ-овқат программасини бажаришда жиддий камчиликлар мавжуд. Партия ва совет органлари, Қишлоқ хўжалиги министрлиги (ўртоқ А. И. Икромов), Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги (ўртоқ Р. А. Абдуллаев), Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги (ўртоқ И. Ҳ. Жўрабеков), «Главсредазирсовхозстрой» (ўртоқ Э. Турсунов), ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими (ўртоқ Ш. Акмалхонов), бошқа ташкилотлар суғориладиган гектарлар самарадорлигини ошириш, техникадан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқариш системасини такомиллаштириш бўйича етарли иш олиб бормаяптилар. Чорвачиликни ривожлантиришда ҳамон жиддий қолоқликка йўл қўйилмоқда. Унинг маҳсулдорлиги оширилмаяпти, озуқа базаси сустлик билан мустаҳкамланмоқда.

Аҳолига савдо, коммунал-маиший хизмат кўрсатишдаги нуқсонлар, секинлик билан бартараф этилмоқда, хизмат кўрсатишнинг янги турлари ва формалари қониқарсиз жорий қилинмоқда. Республика халқ хўжалигининг бир қатор тармоқларида, кўпгина корхоналарда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг ихилини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш соҳасидаги ишлар суст олиб борилмоқда. Соғлиқни сақлаш муассасалари, транспорт ва алоқа корхоналари иши янада яхшиланишга муҳтождир.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Госплан, министрликлар ва идоралар янги хўжалик механизмини пишиқтириш ва жорий этишда тегишлича қатъият ва ташаббускорлик кўрсатмаяптилар. Иқтисодий экспериментда қатнашаётган корхоналар ва бирлашмаларга етарлича амалий ёрдам берилмаяпти, халқ хўжалигига раҳбарлик қилишда параллелизм ва бир хилдаги ишни бажаришга барҳам берилмаган.

Иқтисодий ва социал ривожланиш вазифаларини ҳал этишда партия комитетлари ҳали халқ депутатлари Советларига, касаба союзлари, комсомол, халқ контроли органларига етарлича таянинг иш кўрмаяптилар. Социалистик мулкни ўғирлаш, пораҳўрлик, чайқовчилик, бошқа салбий ҳодисаларга қарши курашни янада кучайтириш лозим.

Идеологик, оммавий-сиёсий ишларнинг сифати одамларнинг ўсиб бораётган билим ва маданий даражасига, эҳтиёжларига, ҳозирги талабларга жавоб бермайди. Оммавий ахборот воситалари, оғзаки ва кўргазмали агитация, лекция пропагандасига ишчанлик ва конкретлилик, ҳаёт билан мустаҳкам боғланиш етишмайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қарор қилади:

1. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев докладида баён этилган вазифалар раҳбарлик ва ижро этиш учун қабул қилинсин.

Социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга қаратилган партия йўлини амалга ошириш, КПСС Марказий Комитетининг бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишларни социалистик жамият тараққиётининг ҳозирги босқичдаги вазифаларига мувофиқлаштириш зарурлиги ҳақидаги талабларини бажариш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг, область, шаҳар, район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг, республика министрликлари ва идораларининг раҳбарлари, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

2. Марказий Комитет Бюроси, область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари иқтисодий, социал ва маданий ривожланишга партиявий раҳбарлик даражасини муттасил оширсинлар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми йўлини оғишмай ўтказиш учун кураш давом эттирилсин, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг барча участкаларида тартиб бўлишига қатъият билан эришилсин, интизом ва уюшқоқлик мустаҳкамлансин.

Партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг диққат-эътибори халқ хўжалигини ривожлантиришнинг, фан-техника тараққиётининг бош йўналишларига қаратилсин, бир қатор соҳаларда йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини тўлдириш таъминлансин, 1985 йил топшириқлари сўзсиз бажарилиши ҳамда ўн иккинчи беш йилликда муваффақиятли ишлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилиши таъминлансин. Планнинг уюштирувчилик роли кучайтирилсин, ҳар бир корхона, қурилиш, колхоз ва совхознинг белгиланган топшириқларни бажариши учун мунтазам контрол амалга оширилсин. Шартнома бўйича маҳсулот етказиб бериш планини бажармаслик социалистик хўжалик юритиш принципларини жиддий бузиш деб баҳоланиши керак. Тасдиқланган планларга уларни камайтириш ҳисобига тузатиш киритиш сира йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Госплани, министрликлари ва идоралари ўзларининг куч-ғайратини энг муҳим халқ хўжалиги проблемаларини ҳал этиш, ижтимоий ишлаб чиқаришни янада жўшқин ва пропорционал ривожлантиришни таъминлаш, халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш йўлини изчил рўёбга чиқаришга доир йирик тадбирларни ишлаб чиқиб, бажаришга қаратсинлар. Меҳнат унумдорлигини ўстириш, фан-техника тараққиётини асосида ишлаб чиқаришни интенсивлашни жадаллаштириш, планлаштириш ва экономикани бошқаришни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилиши керак. Яқин вақтлар ичида асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни кескин яхшилаш, ҳар бир корхонада янгидан ишга тушириладиган қувватларни тўла ва ўз вақтида ўзлаштиришга эришиш, меҳнат, хом ашё, ёнилғи-энергетика ва молия ресурсларидан рационал ва тежаб-тергаб фойдаланиш зарур. Мавжуд иқтисодий потенциал ҳамда ишлаб чиқариш имкониятлари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, сифатини яхшилашга ва хилларини кенгайтиришга қаратилсин.

Ихтисослаштирилмаган корхоналарда маданий-маиший моллари ишлаб чиқариш ҳажми ишловчиларнинг иш ҳақи фондига мувофиқ бўлишига эришиш лозим.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва 1984 йил октябрь Пленумларининг агросаноат комплексини янада ривожлантириш, Озиқ-овқат программасини бажаришга қаратилган қарорларини амалга оширишга эътибор кучайтирилсин. Қишлоқ хўжалигида техникадан ҳамда уни ривожлантиришга берилаётган маблағлардан фойдаланиш яхшилансин. Барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш, пахта, шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан 1985 йил давлат планларининг тўла ва ошириб бажарилиши таъминлансин.

Капитал қурилишдаги ишларни яхшилашга қаратилган қатъий чоралар кўрилсин. Капитал маблағлар самарадорлиги оширилсин, куч ва маблағлар ишга туширилаётган объектларга, шунингдек, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника жиҳатидан қайта қуроллантиришга сафарбар этилсин. Ишнинг юксак сифатли бўлишига, битказилмаган қурилишлар ва ўрнатилмаган машина-ускуналар ҳажмини камайтиришга эришилсин.

4. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, раҳбар кадрлар меҳнат коллективларига таянган ҳолда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузишнинг, хўжасизлик ва исрофгарчилик фактларининг, баъзи ходимларнинг ўз бурчига бепарволик билан муносабатда бўлишининг ҳар қандай ҳолларига қарши кескин курашни давом эттирсинлар. Жамоат меҳнатида қатнашишдан бўйин товлаш, меҳнат интизомини бузиш ҳолларига ҳар бир гражданнинг виждонан меҳнат қилиш ҳақида СССР Конституциясида белгиланган бурчини бажармаслик, деб қараш керак. Раҳбарнинг топширилган иш участкасида тегишлича меҳнат интизомини таъминлашга ноқобиллигини унинг эгаллаб турган лавозимига муносиб эмас, деб баҳолаш керак.

Министрликлар ва идоралар, бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари, партия, касаба союз ташкилотлари меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада формасини жорий қилишнинг аҳволини чуқур таҳлил этишлари ҳамда уни планли равишда кенг ёйиш, бу ишдаги расмиятчиликни бартараф этиш бўйича қўшимча тадбирлар кўришлари лозим.

5. Партия, совет, касаба союз, комсомол, хўжалик ташкилотлари майолди мусобақаси ҳамда Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига зарбдор вахта давомида эришилган ижобий натижаларни мустаҳкамлашлари ва ривожлантиришлари, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдиришлари керак.

Партия XXVII съезди шарафига зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни олган республика меҳнат коллективларининг ташаббуслари маъқуллансин:

Ҳалқ хўжалиги планини 1985 йилнинг 26 декабрида бажариб, илгари қабул қилинган мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча равишда 200 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш;

Беш йиллик планига қўшимча равишда 150 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш;

Улуғ Октябрнинг 68 йиллигигача 77 минг гектар янги суғориладиган ерни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш, 1,5 миллиард кубометр сувни сиғдирадиган Толлимаржон сув омборини фойдаланишга топшириш, Чуст ва Хўжаободда тикувчилик-трикотаж фабрикаларини, Тошкентдаги «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмасида янги қувватларни муддатидан бир ой илгари, Бухоро тўқимачилик комбинатининг Ғиждувондаги филиалини муддатидан уч ой илгари фойдаланишга топшириш;

Транспортнинг барча турларида илгари қабул қилинган мажбуриятга қўшимча равишда 600 минг тонна халқ хўжалик юкларини ҳамда 1 миллион пассажир ташиш, 59 мингта телефон ўрнатиш;

Беш йиллик топшириғидан ташқари салкам 2 миллион тонна мева-сабзавот маҳсулоти тайёрлаш, шундан 700 минг тоннасини умумиттифоқ фондига етказиб бериш.

6. Область, шаҳар, район партия комитетлари идеологик, оммавий-сиёсий пропаганда фаолиятини муттасил такомиллаштирсинлар, унинг натижадорлигини оширсинлар, расмиятчилик, бир қолипда ишлаш, қироатхонликка барҳам берсинлар. Меҳнаткашларни, айниқса, ёшларни ғоявий-сиёсий, меҳнат, ахлоқий тарбиялаш собитқадам, ҳаёт воқеликлари билан, конкрет социал-иқтисодий проблемаларни ҳал қилиш билан мустаҳкам боғланган ҳолда олиб борилишига эришилсин.

Меҳнатсиз доромад топиш манбалари йўлига ғов қўйилсин, ўғирлик, пораҳўрлик, қўшиб ёзиш, кўзбўямачиликка қарши, социал адолат нормаларини бузиш ва бошқа салбий ҳолларга қарши кураш кучайтирилсин. Энг катта социал иллат бўлмиш ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши актив ҳужумкор кураш кенг қулоч ёйдирилсин. Шу мақсадда қонун ва жамоатчилик таъсири кучидан, қонунлардан ҳамда социалистик турмуш қоидаларидан тўлиқ равишда фойдаланилсин.

7. Марказий Комитет Бюроси, область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ташкилотчилик ва сиёсий иш форма ва методларини қатъият билан такомиллаштирсинлар. Навбатдаги ҳўжалик ва ғоявий-тарбиявий вазифаларни ҳал этишда партия барча бўғинларининг жанговарлиги, коммунистларнинг авангардлик роли кучайтирилсин.

Раҳбар кадрларни танлаш ва тарбиялашни яхшилашга, уларнинг иш услуби ва методларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилсин. Уларда сиёсий етуклигини, ишчанлиги, қийинчиликларни бартараф этиш маҳоратини, ўз фаолиятини баҳолашга ўз-ўзини танқид руҳида ёндашишни, бенуқсон шахсий ҳулқ-атворни шакллантиришга эришилсин. Партия комитетларининг пленумларида, бюро мажлисларида, партия йиғилишларида раҳбар ходимларнинг фаолияти мунтазам равишда муфассал таҳлил этилиб, принципиал, объектив баҳоланиши қонда қилиб қўйилсин. Кадрларни ошна-оғайнигарчилик, шахсий садоқатига, юртдошлигига, қариндош-уруғчилигига қараб кўтариш каби ҳозир ҳам мавжуд бўлган уринишларга изчил ва қатъият билан барҳам берилсин.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми республика ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашлари Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш учун курашдаги куч-ғайратларини оширадилар, ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилини коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида янги муваффақиятлар билан яхшилайдилар, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб оладилар, деб қатъий ишонч билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XX ПЛЕНУМИ

(Боши 1-, 2- ва 3-бетларда).

Ҳозир ишлаб чиқариш ва жамоат турмушининг ҳамма соҳаларида партия ташкилотлари интизом ва тартибни мустаҳкамлаш юзасидан зўр ғайрат билан иш олиб бормоқдалар, деб уқтирди Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари **А. К. Каримов**. Раҳбар кадрларнинг фаолиятига баҳо беришга талабчанлик билан ёндашила бошланди, сифат силжишларига кўпроқ эътибор берилмоқда, салбий ҳодисаларга қарши қатъият билан курашилмоқда.

Яқинда биз колхоз ва совхозлар қишлоқ хўжалиги техникасини қандай асраб, қандай ишлатаётганини текширдик кўрдик. Бу ишда кўпгина камчиликлар борлиги аниқланди: хўжаликларнинг машина-трактор парклари қониқарсиз ишламоқда, машина ва механизмлардан самарали фойдаланилиши устидан контроллик бўшаштириб юборилган. Механизаторларнинг ҳовлиларида бир неча юз минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ётганлиги аниқланди. Ҳозир бу ишда қаттиқ тартиб ўрнатилмоқда, айбдор кишилар жавобгарликка тортилди. Тартиб ўрнатиш, хўжаликни самарали юритиш соҳасида бошқа тадбирлар ҳам кўрилмоқда.

Ҳозир эрта ва мўл ҳосил олиш учун пахтазорларда қизғин иш давом этмоқда. Шу билан бирга ингичка толали пахтани кўпайтиришда жиддий проблемалар бор. Саноатнинг талабларига мос келадиган янги пахта навларини етиштириш зарурлиги ҳақида гап бормоқда. Бу қимматбаҳо хом ашёга эҳтиёж ошиб бораётганлиги, уни етиштириш соҳасида орттирилган тажриба, мутахассислар ва моддий базанинг етарли эканлиги, иқлим шароитлари областда илмий марказ вужудга келтиришни қаттиқ талаб қилмоқда.

Партия халқ хўжалигини бошқариш усулларини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини планлаштириш практикасини такомиллаштиришни энг муҳим вазифалардан бири қилиб қўймоқда. Ҳозир планнинг ҳамма кўрсаткичлари, то экин майдонлари ҳажмигача юқоридан белгилаб берилмоқда. Бундай шароитда хўжаликларнинг қандай мустақиллиги ва ташаббуси бўлиши мумкин? Юқоридан бериладиган планни тайёрланадиган маҳсулот ҳажмига оид топшириқлар билан чеклаб қўйиш тўғри эди, деб ўйлайман.

Хўжалик бутун коллективининг пировард иш натижаларидан, барча қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни ва чорва маҳсулдорлигини оширишдан, меҳнат ва маблағ сарфини камайтиришдан моддий манфаатдорлиги бир хиллигини таъминлаш ҳам лозим. Мавжуд ҳолатда раҳбар ва бош мутахассислар, одатда, маҳсулот реализация қилиш умумий плани бажарилишидангина манфаатдордир. Шу муносабат билан маҳсулотнинг асосий тури (бизнинг шароитимизда пахта), бу иш билан бевосита алоқадор бўлмаган кишиларни, айтайлик, чорвадорларни, ҳатто улар биронта кўрсаткич бўйича планни бажармаган бўлса ҳам, иш ҳақи ва мукофотлар билан таъминлайверади.

Областда хўжалик раҳбарлари, бош мутахассисларини мукофотлаш системаси ишлаб чиқилди, бу система ҳамма турдаги маҳсулотларни реализация қилиш планини тегишли коэффициентлар бўйича бажаришга бевосита боғлиқ қилиб қўйишни назарда тутади. Хўжаликлар раҳбар қадрларининг моддий манфаатдорлигини пировард натижаларга мана шундай боғлиқ қилиб қўйишни тўғри, деб ҳисоблайдиз ва бу системани қонунлаштириш керак, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон ССР енгил саноат министри **М. Ҳ. Қурбоновнинг** айтишича ,халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш масалалари, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш, техника билан қайта қуроллантириш, янги қувватларни ишга тушириш ва ишлаб турган қувватлардан фойдаланишни яхшилаш Енгил саноат министрлиги коллегиясининг доимо диққат марказида турибди. Беш йиллик бошланганидан бери 900 миллион сўмга яқин капитал маблағ ўзлаштирилди, 74 та саноат объекти, кўп миқдордаги уй-жой ва мактабгача тарбия муассасалари фойдаланиш учун топширилди.

Мана шуларнинг ҳаммаси калава ип ва газлама ишлаб чиқариш қувватларини қарийб икки баравар кўпайтириш, умуман тармоқда маҳсулот ишлаб чиқаришни учдан бир ҳисса ошириш имконини берди. Беш йиллик мобайнида савдо ташкилотларига чакана нархларда 12 миллиард сўмлик, яъни ўнинчи беш йилликка нисбатан 46 процент кўп маҳсулот етказиб берилади.

Аммо биз қилинган ишларга бугунги талаблар нуқтаи назаридан баҳо берган ҳолда, бир қанча соҳаларда кўпроқ натижага эришишимиз мумкин эканини англаб турибмиз. Қувватлардан фойдаланиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш масалалари, айниқса, ўткир бўлиб турибди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин тармоқда натижаларга янада танқидий ёндашила бошланди, кадрлар билан ишлаш услуби ва методлари ўзгарди. Маҳаллий партия ва совет органлари билан биргаликда тармоқ меҳнатчиларига зарур ишлаб чиқариш ва социалмаиший шароитни яратиб бериш соҳасида иш олиб борилмоқда.

Саноатимиз ишлаб чиқараётган бир қанча буюмларнинг сифати хусусида бугун айтилган танқид мутлақо ҳаққонийдир. Тармоқ 1985 йил биринчи кварталининг ўзидагина 900 минг сўмлик жарима тўлади, кўп миқдордаги кийим-кечак, трикотаж, пойабзал, ип газлама қайтарилди ва сорти пасайтирилди.

Министрлик маҳсулот сифатини бошқариш, кадрлар малакасини ошириш, истеъмол хоссалари яхшиланган буюмларни ишлаб чиқаришда поток усулларини жорий этиш проблемаларини комплекс равишда ҳал қилишни ўзининг асосий вазифаси, деб билади.

Аҳолининг юқори сифатли, замонавий ва арзон халқ истеъмоли молларига бўлган эҳтиёжини тўлиқроқ қондириш мақсадида кейинчалик шундай моллар ишлаб чиқаришни фақат савдо ташкилотлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ планлаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ўзимизнинг кундалик фаолиятимизни партиянинг ҳозирги талабларига қиёслар эканмиз, ҳали қанчалик кўп иш қилишимиз кераклигини яхши англаймиз, деб таъкидлади Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари **М. Худойберганов**. Ҳали барча тармоқларда ҳам меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириқлари бажарилаяпти, деб бўлмайди, интизомни бузиш ҳолларига барҳам берилмаган, баъзи корхоналар белгиланган топшириқлар бажарилишини таъминлаяпти.

Биз шу камчиликларни кўриб турибмиз ва уларни бартараф этиш устида ишламоқдамиз. Кадрлар билан ишлашнинг уларни аттестациядан ўтказиш, стажировкалар, семинар, раҳбарлар билан коммунистларнинг ҳисоботларини тинглаш, суҳбатлашиш, мутахассисларнинг шахсий ижодий планларини партия комитетларининг мажлисларида кўриб чиқиб, тасдиқлаш каби формаларидан кенг фойдаланиладиган бўлиб қолинди.

Ҳозир дала ва фермаларда ишлар жуда қизиб кетди. Чигит яхши агротехника муддатларида экиб бўлинди, текис ундириб олинди, ҳар гектар ернинг бекаму кўст бўлишини таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Майнинг дастлабки кунларида ёққан жала-ёмғирларнинг оқибатлари бартараф этилмоқда, ғўзаларни, бошқа экинларни парвариш қилиш яхши йўлга қўйилмоқда.

Одамларнинг умумий кайфияти ишчанлик, ижодкорликдан иборат, партия ташкилотидаги вазият соғлом, собитқадам вазиятдир.

КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумида белгиланган вазифалар, деди Фарғона область Риштон районидаги «Риштон» совхозининг сигир соғувчиси **Т. Я. Исҳоқова**, республика қишлоқ хўжалик ходимларининг яқинда бўлиб ўтган кенгашида чорвадорлар белгиланган марраларга ҳамоҳанг-дир. Кейинги вақтларда чорвачиликда қувончли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Масалан, хўжалигимиз фермалари ва комплексларида меҳнатни жуда енгиллаштирган қўплаб янги техника, механизм ва мосламалар пайдо бўлди. Биз чорвачиликнинг юксак маҳсулдорлигига, жумладан, сут соғиб олишни кўпайтиришга, мавжуд камчиликларни тугатишга эришишни ўз вазифамиз, деб биламиз. Камчиликлар эса ҳали, афсуски, оз эмас.

Совхозда озуқабоп экинлар экиш планлари йил сайин бажарилмай келинар, ҳосилдорлик паст эди. Ўтган йили чорва қишлови вақтида биз бошқа жойлардан 80 минг сўмлик ем-хашак сотиб олишга мажбур бўлдик. Яқинда эгаллаб турган лавозимидан бўшатилган совхоз директори Ҳаллоқов чорвачилик проблемалари билан мутлақо қизиқмас эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми белгилаб берган йўлни биз асло бўшаштирмаслигимиз керак, деб ҳисоблайман: билимсиз, фаолиятсиз кадрларга раҳбарлик ишида ўрин бўлмаслиги керак.

Ҳозир совхоз коммунистлари, барча меҳнаткашлари йўл қўйилган қолоқликни тезроқ тугатиш учун қатъий чораларни кўрмоқдалар. Аммо бу ишда ҳамма нарса ҳам бизнинг танг аҳволдан қутилишга бўлган қизғин истагимизгагина боғлиқ эмас, қолаверса мавжуд проблемалар бошқа чорвачилик хўжаликлари учун ҳам хосдир. Тобора мураккаблашиб бораётган техникани билиб ва узлуксиз ишлатиш учун юқори малакали кадрлар керак. Ремонт қилувчи ва ишлатувчи мутахассисларнинг маоши ҳам пировард маҳсулот — сутнинг олинишига боғлиқ бўлиши лозим. Баҳолонки, ушбу ходимларнинг моддий манфаатдорлиги тўғрисида, бинобарин, эса умумий меҳнатимизнинг самарадорлиги ҳақида ғамхўрлик қилмаётган Қишлоқ хўжалик министрлигининг позициясини мутлақо тушуниб бўлмайди.

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими президиумининг раиси **Ш. Акмалхонов** ўз нутқида деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини илмий асосда ошириш масалаларига ҳам катта эътибор берди. Илғор тажриба ва илм-фан тавсиялари ҳали ишлаб чиқаришга суст жорий этилмоқда. Бу эса кўрсаткичларнинг, суғориладиган гектар самарадорлигининг пастлигига сабаб бўлмоқда.

Олимлар практиклар билан биргаликда илмий асосланган деҳқончилик системаларини ишлаб чиқишган, бу системалар барча хўжаликларга ва район агросаноат бирлашмаларига тавсия этилган .Бугунги кунда илмий тафаккур ютуқларидан тўла-тўкис фойдаланиш вазифаси турибди.

Маҳаллий Советлар, деди Сирдарё область ижроия комитетининг раиси **И. Қўчқоров**, партиянинг навбатдаги съездига тайёргарлик кўра туриб, омма билан алоқани ҳар томонлама ривожлантиришга, областдаги ҳар бир депутат, ҳар бир меҳнатчининг активлиги ва масъулиятини оширишга кўмаклашишга интилмоқдалар.

Совет органлари область партия комитети раҳбарлигида гражданларнинг ҳуқуқлари, социал адолат принциплари камситилишига қарши қатъий кураш олиб бормоқдалар. Савдо корхоналари, колхоз бозорлари, жамоат транспорти, маиший хизмат, коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, социал таъминот ишларига кўпроқ эътибор бериладиган бўлиб қолди. Колхоз бозорларига мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб берилиши учун хўжалик раҳбарларига нисбатан талабчанлик кучайтирилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан чайқовчилик қилишга қарши курашни кучайтиришга оид қатъий чоралар кўрилмоқда.

Самарқанд область Иштихон район партия комитетининг биринчи секретари **А. А. Тиллаев** минбарга чиқади. Кейинги вақтларда районни социал-иқтисодий ривожлантириш соҳасида муайян ижобий силжиш содир бўла бошлади. Саноат ва қурилишда белгиланган планлар бир маромда бажарилмоқда. 1983 йилга нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилиш 4 баравар кўпайди. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари дон, пилла, полиз маҳсулотлари, сабзавот, картошка, гўшт, тухум, бошқа маҳсулот турлари тайёрлаш юзасидан бешйилликнинг тўрт йили планларини уддаладилар.

Район партия комитети кадр масалаларига, интизомни мустаҳкамлашга зўр эътибор билан ёндашмоқда, қонунларни, партия турмуши, социалистик аҳлоқ нормаларини ҳар қандай бузишларга қатъияи чек қўймоқда. Бошланғич партия ташкилотларининг роли ва обрў-эътибори ошиб бормоқда, халқ хўжалигининг барча участкаларини малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш соҳасида катта ташкилотчилик ишлари олиб борилмоқда.

Аммо район партия комитети қилинган ишлардан қаноатланмаяпти, эришилган натижаларга танқидий баҳо бермоқда, хатолар, камчиликларни, ҳал этилмаган проблемаларни кўриб турибди.

Ҳозир район партия ташкилотининг бутун куч-ғайрати коммунистларни, барча меҳнаткашларни XXVII съездни муносиб кутиб олишга сафарбар этишга қаратилган. Бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигининг кўриги ўтказилаётганлиги, ҳисобот-сайлов кампанияси-га тайёргарлик авж олиб кетганлиги буларнинг ҳаммасига катта таъсир ўтказмоқда. Районда сиёсий ўқиш сифати яхшиланди, ягона сиёсий кунлар уюшқоқлик билан ўтказилмоқда, раҳбарлар меҳнаткашлар кўтариб чиқаётган масалаларни мустақил ҳал этишларига эришмоқдамиз.

Бугун пленумда агросаноат комплекси ишини яхшилашнинг амалий йўлларини қидириб топиш тўғрисидаги масала тўғри ўртага қўйилди. Бу масала аллақачон етилган эди. Биз ҳам область ва районларда қишлоқ хўжалик органларини бирлаштириш, район агросаноат бирлашмаси ролини ошириш тўғрисида айтилган таклифларни қўллаб-қувватлаймиз.

Пленумдаги докладда ва сўзга чиққан нотиқларнинг нутқларида республика партия ташкилотлари съездолди ишининг ғоят муҳим босқичига қадам қўяётгани қайд этиб ўтилди. Бу босқич беш йиллигининг сўнгги йилида хўжалик ва маданий қурилиш планларини бажариш устида қизғин, фидокорона ишлаш даври бўлади. Бу — бўлғуси ҳисобот-сайлов кампанияси муносабати билан партия комитетлари ҳамда ташкилотларининг кенг кўламдаги ташкилотчилик ва сиёсий ишлари кўриги бўлади. Бу босқич барча ишларимизни, иш услуби ва методларимизни ҳар томонлама чуқур анализ қилиш ҳамда уларга талабчанлик билан баҳо бериш даври бўлади.

Барча партия комитетлари ва ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг йўл-йўриқларини амалга ошириш борасидаги вазифаларини белгилаб олишлари лозим. Бунинг учун ана шу масалаларни область, шаҳар ва район партия комитетларининг пленумларида, бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида муҳокама этиш зарур. Ишларнинг аҳволини ва ўз ишини сира ҳам яхши қилиб кўрсатишга йўл қўймай принципиаллик билан амалий равишда муҳокама қилиш, мавжуд қолоқликка барҳам бериш, йўл қўйилган камчиликларни тузатиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни белгилаш лозим.

Пленумда маҳсулот реализация қилиш тўрт ойлик плани 101,1 процент бажарилганлиги, топшириқдан ташқари 76 миллион сўмлик, шу жумладан, апрель ойида 11 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинганлиги қайд этиб ўтилди. Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръати 4,9 процентни, меҳнат унумдорлигини ошириш суръати эса 2,1 процентни ташкил этди. Шу билан бирга саноат корхоналарининг ишини кучайтириш, ярим йиллик якунларига кўра, ишлаб чиқаришнинг 6,7 процент ўсишига эришиш зарур.

Бинокорлар ўз ишларини кескин ўнглаб олишлари керак. Гарчи асосий фондларни ва уй-жойларни фойдаланишга топшириш тўрт ой ичида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бирмунча кўпайган бўлса ҳам капитал маблағларни ўзлаштириш плани бажарилмай қолди. Қолоқликка барҳам бериш учун май—июнь ойларида 500 миллион сўмлик маблағни ўзлаштириш, ярим йиллик охиригача 800 минг квадрат метр уй-жойни, бошқа кўпгина ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектларни фойдаланишга топшириш зарур.

Далалардаги иш кун сайин қизғин тус олиб бормоқда. Деҳқонлар экиш-тикиш ишларини уюшқоқлик билан ва энг мақбул агротехника муддатларида ўтказдилар, ҳамма жойда чигит қийғос ундириб олинди. Ғўза қатор ораларига ишлов берилмоқда. Бироқ апрель ойининг охирлари — май ойининг бошларида кўп ёғин-сочин бўлиб дўл урганлиги, қатиқ шамоллар, сел оқимлари экинларга катта зарар етказди. Лекин ҳеч қаерда сира ҳам саросималик бўлмаслиги керак. Аксинча, бардам бўлиб, юксак уюшқоқлик ва интизомни табиий офатга қарама-қарши қўйиш, об-ҳаво инжиқликларини оқибатларини қисқа муддатларда тугатиш зарур.

Чорвачиликдаги аҳвол жиддий яхшиланиши лозим. Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланиб, қолоқликка барҳам бериш чоратадбирларини сабот билан амалга ошириш ва яқин вақт ичида белгиланган марраларни эгаллаш зарур.

Транспорт, алоқа, савдо ва маиший хизмат ходимлари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг барча меҳнатчилари кўп ва қизғин меҳнат қилишлари керак бўлади. Ёзги отпускалар, мактаб ўқувчилари ва студентларнинг каникули вақти, сабзавот, мева, ош кўклар билан савдо қилиш мавсуми бошланмоқда. Одамларнинг кайфиятига таъсир этадиган мана шу барча масалалар партия, совет органларининг, барча раҳбар кадрларнинг диққат марказида бўлиши керак.

Пленумда шу нарса уқтириб ўтилдики, бундан бу ён ҳам интизом, масъулият, тартибни мустаҳкамлаш йўлини оғишмай ўтказавериш, социалистик принципларидан чекинишларга, ҳар қандай салбий ҳодисалар йўлига мустаҳкам ғов солиш, ҳалол меҳнат учун моддий ва маънавий рағбатлантириш ролини ошириш билан бир вақтда меҳнатсиз топиладиган барча даромад манбаларини ёпиб қўйиш керак.

Республика партия ташкилоти учун Марказий Комитет XVI пленумининг йўли ўзгармас бўлиб қолаверади. Шу пленум йўл-йўриқларини амалга ошириш борасидаги ишларни бир дақиқа ҳам сусайтириш мумкин эмас. Бундан буён ҳам унинг актив, ҳужумкорлик руҳини ривожлантираверіш, барча партия ташкилотларини, меҳнат коллективларини, кенг жамоатчиликни тартиб ўрнатиш учун курашга жалб эта бориш лозим.

КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг қарорлари, партия XXVII съездига тайёргарлик ишчилар, колхозчилар, зиёлиларда Ватанни коммунистик қурилишда янгидан янги зафарлар билан ҳушнуд этишга қизғин иштиёқини уйғотмоқда. Омманинг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини ҳар томонлама ривожлантириш — партия ташкилотларининг жанговар вазифасидир. Улар бутун ташкилотчилик ва идеология ишини планларни ҳамда КПСС XXVII съезди шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни адо этишга қаратишлари лозим.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан қарорлар қабул қилди. Бу қарорлар эълон қилинмоқда.

(ЎзТАГ).



11-«Висотстрой» трестининг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Мухтор Ҳабибуллаев бошчилигидаги комплекс бригадаси коллективи юқори унум билан ишлаяпти. Коллектив ишларни сифатли бажариб, кунлик топшириқни 120—130 процент бажаряпти.

СУРАТДА: бригада аъзолари (чапдан ўнгга) Р. Муслимов, К. Мирзамуродов, А. Холматов.

М. Нуриддинов фотоси.

Шу кунниг интервьюси

КЕКСА ИЛМИЙ ЖАМИЯТНИНГ СЪЕЗДИ

Бугун Тошкентда Ўзбекистон ССР География жамиятининг иккинчи съезди ўз ишини бошлади. Мухбиримиз География жамиятининг президенти, СССР Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги О. М. АКРАМХЎЖАЕВдан ана шу воқеанни шарҳлаб беришини сўради:

— Бизнинг география жамиятимиз — республикадаги илмий тафаккур марказларининг кекса ташкилотларидан бири бўлиб, у Ўзбекистон ССР ва бутун Ўрта Осиё табиати, хўжалиги ва аҳолисига доир илмий материалларни тўплаш ва муҳокама қилишда, аҳоли ўртасида география билимларини оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамият йирик географ олимлар ва бошқа соҳалар етакчи олимлари, ўрта мактаблар география ўқитувчилари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари, илмий тадқиқот институтлари ва ишлаб чиқариш ташкилотларининг ходимларини ўз сафида бирлаштирган.

— Жамиятнинг биринчи съезди бўлиб ўтган даврдан буён география фанининг турли соҳалари бўйича эришилган муваффақиятлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Ўзбекистон географлари халқ хўжалигида муҳим аҳамият касб этадиган илмий ишларни кенг авж олдириб юбордилар. Орол денгизи проблемаларини ишлаб чиқиш, Сибирь дарёлари ирмоғининг бир қисмини Ўрта Осиёга оқизиш, Ўзбекистонда халқларининг шаклланиши, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, чўллар, тоғ олди ва тоғ атрофларини хўжалик мақсадида ўзлаштириш, агросаноат комплексларини ривожлантириш, озиқ-овқат программасини ҳал этиш йўллари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа проблемалар фаолиятимиз доирасига киради. Ўзбекистон ССРнинг икки жилдли атласини тайёрлаш ва нашр этиш катта воқеа бўлди. Унда табиий шароитлар, табиий бойликлар, аҳоли, халқ хўжалиги, республика тарихи ва маданиятига доир илмий характеристика берилган. Бундан ташқари Ўзбекистон пойтахтининг 2000 йиллигига бағишлаб «Тошкент» география атласи ҳам нашр этилди. Республика мактаб ўқувчилари учун рус ва ўзбек тилларида Ўзбекистон ССР мактаб ўлка дарслиги нашр этилди. Географларимиз «Ўзбек Совет энциклопедияси»нинг ўн беш жилдли нашри ва «Тошкент» энциклопедиясининг яратилишида фаол қатнашдилар. Тошкент Давлат университети, Фарғона педагогика институти, Тошкент Давлат педагогика институти ва бошқа олий ўқув юртларининг география факультетларида бажарилаётган илмий ечимлар фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқаси мустаҳкамланиб бораётганлигидан далолат беради. Масофадан туриб бошқариладиган воситаларни қўллаш йўли билан республика табиий шароитлари ва бойликларини тадқиқ этиш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда. География фанида космик тадқиқотларни қўллаш янгилик бўлишига қарамай, ҳозирги пайтда катта муваффақиятларга эришилмоқда. Территорияларни карталаштиришда, бойликларни аниқлашда, география системаларини истиқболли баҳолашда космик фотосуратлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Буларнинг ҳаммаси илмий техника тараққиёти билан чамбарчас боғланган. Табиат муҳофазаси ва атроф-муҳитнинг мусаффолигини яхшилаш бўйича карталар ўртача масштабда ишлаб чиқилган. Космик фотосуратларни қўллаш асосида табиий яйловларнинг ҳосилдорлиги истиқболлари, қишлоқ хўжалик экин майдонларининг сув билан таъминланиши, фойдали табиий жараёнларни ривожлантириш омиллари аниқланмоқда. Географлар мактаб ислоҳоти тадбирларини амалга оширишда фаол қатнашмоқдалар.

Аҳолининг кенг доирасида география билимларини пропаганда қилиш, конференциялар ва семинарлар, мактаб ўқувчилари ва студентларнинг олимпиадаларини ўтказиш, илмий ва оммабоп адабиётларни нашр этиш, республикада машҳур бўлган «Киносаёҳатчилар клуби» ва «Оламга саёҳат» кўрсатув ва эшиттиришларни тайёрланишида яқиндан ёрдам бериляпти.

Бизнинг жамиятимиз партия ва ҳукуматимизнинг қарорларидан тегишли хулосалар чиқариб, олиб, ўзининг фаолиятини атроф-муҳит ўзгаришларини прогноз қилиш, территориал ишлаб чиқариш комплекслари, саноат узеллари, қишлоқ хўжалиги ихтисослашган зоналарининг шаклланиш ва жойлашиш географик асосларини ишлаб чиқишга сафарбар этмоқда

Мутахассисларимиз олдимизга қўйилган вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш ва КПССнинг бўлажак XXVII съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун барча куч ва ғайратларини сарфлай берадилар.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

ТВ

ЧОРШАНБА

15 МАЙ

● МТ I

17.50 «Андрей Эшпай. Музикали портрет» Фильм-концерт.
18.45 «Инсон ва қонун».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Катталар учун мультфильмлар: «Қойилмақом Гоша», «Тугмача».
19.50 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
20.20 «Қаерда эдинг, Одиссей?» Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». Поэзия. М. Светлов.

4 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ

15 МАЙ, 1985 й.

22.30 «Музика ҳамма учун».
23.20 «Дунё воқеалари».
23.35 Тинчлик велопойгаси. ПХРдан олиб кўрсатилади.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Кимнинг омади келиб боқса». Телефильм.
19.00 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Янгра, қўмиз» (СССР, Қирғизистон телевидениеси).
19.30 «Онамларнинг мактаби».
20.00 «Музикали киоск».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
21.20 «Ғалаба ҳуқуқи». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Домбраси оҳангларга мос эди». Телевизион бадиий фильм премьераси.
23.25 Илмий-оммабоп фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошларинг ижодидан».
18.45 Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан. «Фестиваль йўлларидан».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бир асар тарихи». А. Мухтор. «Чинор».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ёш ижрочилар концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Пилла — бойлигимиз».
22.25 «Фронт ортидаги фронт». Бадиий фильм. 1-серия.
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Командировка». Телефильм.
18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Эстафета давом этади...»
19.20 «Йўл ёқасидаги уй». Фильм-балет.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Эстетика асослари. Коммунизм қуриш даврида эстетик маданиятнинг ривожланиши.
21.00 «Истиқболли моделлар — конвейерга» (рус.).

ПАЙШАНБА

16 МАЙ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Домбраси оҳангларга мос эди». Телевизион бадиий фильм.
11.00 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
11.30 «Қаерда эдинг, Одиссей?» Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
12.35 Композитор В. Агапкин асарларидан концерт.
12.50 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Замондошимиз». Ҳужжатли фильмлар.
16.10 «Игорь Шамо қўшиқлари». Фильм-концерт премьераси.
16.40 «Нега мушукни мушук дейишади». Мультфильм.
16.50 «Подмосковье қишлоғининг бугуни ва эртанги куни».
17.20 «Моҳир қўллар».
17.50 М. Шолохов. «Очилган қўриқ». Романдан парчалар.
18.25 Т. Хренников. «Гусар балладаси» балетига ёзилган куйдан сюита.
18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик экономикани бошқариш». Кўрсатувни СССР ФА мухбир аъзоси П. Г. Бунич олиб боради.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Дунё ва ёшлар».
20.05 «Открыткалар оламида». Ҳужжатли фильм.
20.10 «Қаерда эдинг, Одиссей?» Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Ёзувчи ва ҳаёт».
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 «Виктор Васнецов. Хотиралар». Телефильм премьераси.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Ўз фикри» Телефильм.
9.35, 10.50 Физика. 6-синф. Энергия ва иш.
10.05, 13.40 Испан тили.
11.05 «Декоратив-амалий санъат». Илмий-оммабоп фильм.
11.35, 12.40 В. Шекспир. «Гамлет». 9-синф.
12.10 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
13.15 Тарих. 5-синф. Қадимий Римда маданият ва фан.
14.20 «Вайгач». Илмий-оммабоп фильм.
14.35 «Генерал Раҳимов». Бадиий фильм, субтитр билан («Ўзбекфильм»).
16.10 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Антарктидани танлайман». Телефильм премьераси.
19.20 Халқ куйлари.
19.30 Қишлоқ янгиликлари.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «10 миллион ҳақида 10 минут». Ҳужжатли фильм.
21.00 Бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақалар. Болгариядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Онам эрга тегди». Бадиий фильм.
23.25 ЧССР, ПХР, БХР, ВХР фольклор коллективларининг концерти.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Рус тили. Бизнинг Ватанимиз.
10.40 «Иван Франко». Телефильм.
11.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Салют, Ғалаба!» (такрорий).
12.30 Зоология. Сут эмизувчиларнинг аҳамияти ва уларни СССРда муҳофаза қилиш.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.
18.35 «Боцман ва тўти». Мультфильм.
18.45 «Ўзбек адабиёти классиклари». Муқимий. Туғилган кунининг 135 йиллигига.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Инсон ва қонун» программаси почтасидан.
20.15 «Мустаҳкам озуқа базаси учун».
20.30 «Ахборот».
20.50 Область театрлари солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Ягона сиёсий кун. КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олайлик!
22.35 «Фронт ортидаги фронт». Бадиий фильм. 2-серия.
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Шахсий масала». Телефильм.
19.00 «Совет классик куйлари саҳифалари».
19.30 Реклама.
19.45 Тошкент янгиликлари.
20.05 «Чақмоқ сари бораман». Бадиий фильм. 1-серия (рус.).



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—13757. Индекс 64690. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.